

НИГИНА НИЁЗ

Xотинимни мен
ўлдирмадим

821.54 133

H-55 2021/51-29

Нимна' Нийз

Легкимиши зин

й дар са зин

9.9 2018 0-1045

382500

2021/51-29

НИГИНА НИЁЗ

ХОТИНИМНИ МЕН
ЎЛДИРМАДИМ

«NOSHIRLIK YOG'DUSI»
ТОШКЕНТ – 2018

УДК 821.512.133-3

ББК 84(5У)6

Н 55

Нигина Ниёз.

Хотинимни мен улдирмадим: Ҳаёлий кисса / Нигина Ниёз (Мавлуда Иброхимова). –Т.: "Noshirlık yog'dusi" нашриёти, 2018. 104-б.

Беайб парвардигор. Ҳамма ҳам хато қылади. Аммо баъзан инсон шундай хатолар қыладики, у бир умр қора куланка булиб, шу одамни таъқиб этади.

Асарнинг бош қаҳрамони Аслбек ҳам шундай ечимсиз ҳолатга тушиб қолади...

ISBN 978-9943-5062-3-7

© Нигина Ниёз (Мавлуда Иброхимова), 2018

© «Noshirlük yog'dusi» нашриёти, 2018



1048418
29

Бозор бозорда бари бир... Одамнинг куплигини, утиргани жой йук. Ҳамма қаққайиб турибди. Бир машина келса, ҳамма гувва ёпирилади. Ҳар тоифали одамлар, орик, семиз, новча, пакана..., аммо ҳаммасининг қуллари... қуллари қадоқ. Яна Асилбекка ухшаган «конкретний» йигитларам бор. Энди «конкретний» дегани, мижғовланмай ишни пуст каласига ҳал қиласидиган дегани-да!

Буларга талабгор олифталар бели эгилмайдиганлар аслида. Энди-да, ишбилармон, бек... Э йук, бе йук мардикорларни сан-санлаб, териб олишади-да, машинага босиб олиб кетишади. Асилбекни бирор чакирмадиям. Ягриндор, баланд буйли, бир уришда хукизни ағдарадиган бу йигитдан чучиши, шекиллида! Кузлари... кузлари бежо унинг. Якинда турмадан чиққани пешонасига тақиллатиб уриб куйилгандай. Хуллас, унча-мунча одам юрак ютиб келолмади, олдига. Етмаганига кумуш тиши-ю, билакларига солинган суратлар бу шуринг қургурни баттар қурқинчли курсатади. Тишлари... муштлашувда синавериб, охирни мана, кулганда таҳдидли яраклайдиган кумуш тиши күйиб олди. Йигитнинг гулинин тишидан билса булади-да! Муштлашмаган эркак эркакми? Бе... Ҳа, энди «мужик» булгандан кейин муштлашади-да! Учтурт бор қамалиб ҳам чиқди. Лекин... бирорнинг молини уғирлабмас, пичоқбозлик қилиб қамалди. Биринчиси мелиса болани деб булди. Фирт кайф, кучанинг уртасида турганди, мелиса бола келиб:

- Йулни бушат, — деди. Буям буш келмади.
- Айланиб ўт! — деди.
- Истаган жойимдан утаман! — деди у.
- Истаган жойимда турман, хушиңгга келадими?!
- деди бу. Хуллас, охири мелиса йигит ҳужжатини курсатди. Асилбек буни катта кетганликка йайди.
- Ие, хали «мент»мисан! — деди Асилбек ҳужжатнинг учидан ушлаб ёқимсиз тиржай анча. — «Мент» одаммас, биласанми? Энг пасткаш миллат, тушундингми? Бу ҳужжатингни энангга курсат! — деди-ю, гувоҳномани отиб юборди «Мент»ни ит қилдим, деб зўрлигидан завқланиб кулади. Кейин мелиса бола бунинг устидан кулади. Судда! Шу баҳона уч йилга кесилиб кетди. «Ургада мелиса бола оғайниларини бошлаб келиб, муштлашув ҳам булғанди-да. Бу ҳам шайтони кузиб, пичок уктағанди, ушанда. Кейин эса... хотини Ҳолидани деб камалди. Эсласа, пешонасига чуғ суқилган ҳукиздай ер депсиниб, ҳаммаёкни бузворгиси келади. Хотинларни кургани кузи йук... Мана энди қамоқдан яримта булиб чикди. Гавдаси булғани билан ичи тукилиб булған. Чикдиям, ўпкасини тулдириб нафас олдиям... Энди эса ишсиз сарсон. Дарров иш топиб, одамларга ухшаб хархашасиз яшамокчи эди. Яхши киз топилса, уйланаман, деганди. Булди-да энди, муштлашиб ҳам булди, арок ичиб ҳам туйди. Ҳолида улганидан кейин ҳаммасига «крест» куйган. Аммо хеч ким ишга олмаяпти-да, уни. Мажбур, мардикорга чиқаяпти. Шундан уч-гурт минг орттириди ҳам. Уйланаман деса, киз йук. Үнга келганда хотин қаҷат. Бу ердагилари бузилиб кетган, бир им қоқса, қўйшига кирадиган. «Вижир-вижир» киладиган аёлларни ёмон

куради. Хотинам бир даҳмаза-ю, бола-чақа қилиш керакми, ахир! Биттасини курди, мана. Нимага эришиди, 10 йилга кесилиб кетди, битта товук мияни деб. Узипиям, буниям бошига етди. Аҳмоқлигига ушани яхши курганди. Ёлғиз курди дегунча, бағрига босиб, упиди ташларди. Бир балони бошламасин, деб ота-онаси тезда уйлантириб қўйишди, Холидага! Ана окибат. Уйланди-ю, Асилбек мушукдай юввош тортди. Лекин... Холида унга буй бермади. Уни севганмикин, узи. Ёки тазийкәридан қурқиб, тегдимикин?! Ҳалиям, орадан уни йил угибам, ичини ит тирнайди. Боласининг онаси эди... Боласи... унинг боласимиidi?! Билмайди, билмайди...

Бир шайт тим қора Лимузин яракстаганча майдончага яқин жойда тухтади. Ичидаи новча, қора кузойнак таққан оқсусяк, қоксусяк одам тушиб келди. Ёнида урта яшар ёрдамчиси ҳам бор эди. Одатдагидай ҳеч ким ёпирилмади. Ҳамма жим булиб қолди. У эса түшпаптўғри Асилбекнинг олдига келди. Худди хуқиз танлаёттандай, бошдан оёқ разм солиб чиқти. Ёмонмас-а, дегандай ёнидаги гумаштасига им қоқиб кўйди.

- Хуууш... – чузиб деди оқсусяк. – ЗЕКмисан?
- Нимайди? – энсаси қотди Асилбекнинг.
- Жириллама! Яқинда чиққансан, шекилли...
- Нима терговчимисиз?
- Сен боп бир иш бор, келишсак, яхпи тулайман, – деди новча юзига ақлли тус бераркан.

- Одам улдирмайман, угирилик қилмайман, тушунарлими, брат! – деди Асилбек уни мепсимай. Отифта унга ялт этиб қаради-ю, «ҳих» деб кулиб кўйди. Уни «брат» дегани эриш түюлди шекилли.

- Биринчидан, ман санга братмасман, иккинчи-

дан, жа, яхши тарбиялашибдими, а? «Губба»га күп тиқишган шекилли-да!

— Қаёқдан билас, сизам «утирганмисиз»?

— Учир..., — олифта Асилбекни ҳақоратламоқчи булди-ю, гавдасидан чучиди. Эзіб-пезіб құймасин яна. Унға айнан шұнақа йигит керак. Без, ҳеч нарасадан тап тортмайдыган. А航海 намозхон эса... анча буш. Икки кунда узини олдириб қуибди. Кейинги пайтада куриниши ёмон. Бир-бирига әш булар. Бу қасофат да-чани нега үша жойға қурди-я! Калла! Ҳамма гапириди! Курма деди, яхши жоймас деди. Ҳаммани бир гийин килиб, тоғ орасигача итдай булиб йул солиб, қурди. Ана энди бузмоқчи? Дами ичида...

— Күп одам олмайман. У ёқда битта шерігінг бор. Атрофи жаният, ҳавосиям биллурдай. Иш баҳона, маз-за килиб дам олволасан...

— Дача қуряпсизми? Ғишт қуишиң керакми?

Бойвачча күлди. Уннің соддалиғидан.

— Камбагал ғишт қуиб, иморат килади, ука! Ман бузяпман...

— Бузяпсиз, нимага?

— Бузаманми, қураманми, санта нима? Айттан ишни кил булди-да... — олифтанинг авзойи узгарди. Шу боис Асилбек ҳам индамади. Одам құрған дачаси-ни яхшиликдан бузармиди, бир ишқали чикқандир-да!

— Хитланадыган ишмасми, деп сурадим. А так, мани ишим йук, — деди у бепарво. — Келишсак, ишлай-вераман...

Олифта ёнидағы гумаштасига шивирлаб бир нима-лар деди. Кейин, йигиттә кибрли назар ташлаб:

— Бир ойда қанча топасан үзи? — деб суради.

— Так, — буш келмади Асилбек ҳам. — Бир ярим,

икки минг доллар атрофида!

Олифта қаҳ-қаҳ отиб қулиб юборди.

– Оббо, обқоч-а, обқоч! Қатта боракан шунака нарх, менга ҳам айт, помошна булай. Хўш... , – кузини қисиб уйга толди у. – Эндиши... буладиган гап килайликда ука, жа осмондан келма санам. Бизам пулни супуриб олмаяпмиз! Ойига саккиз юз – долларда!

Асилбек ҳам паст тушгиси келмади. Аслида шунга ҳам жон-жон деб турғанди-ю, ғурур чатоқда:

– Озроқ күшинг ака, бузиш қуришдан оғир билсангиз. Ишига яраша-да, нархиям.

– Хуп бунти, 50 қушдим, ана! –

– Гап йук! – деб юборди Асилбек ҳам. Бу қилтириқ баъзи бойларга ухшаб, бир сумнинг устида уладиганлардан эмас экан, деб хурсанд булди ичида.

– Фақат, пулни ҳафгалик қилиб берсангиз! Жа пулсиз қолмайликда! Ишқилиб, у-бу егинг келади, кийгинг келади. Кейин орада бир шаҳар тушаман.

– Бунти, бу ёғини манов Бахтиёр аканг билан келишоврасан. Манга иш битса булди! – Ҳалилбей деганлари қора лимузинига утириб жунаб кетди.

40 ёшлар атрофида, урта буй, қисик куз одам уни оқ Матиз томон бошлади.

– Йулдан бозор қилволамиз! – жилмайбигина деди Бахтиёр ака. Кулганда кузлари қисилиб кетди. «Вит-виллатиб» эшикларни очиб, машинага чиқишиди. Йулдан гушт-пушт, нон-пон, мева-чева олинди. Бахтиёр ака худди бу унинг югардагидай ҳамма ишни Асилбекка буюорди. Йигит индамади. Ёш келса ишга дейишган-ку, ахир. Аммо Бахтиёр ака деганлари анча пухта, шекилли, нарса олишниям боплади. Нархни чурт ярмидан кесади... Дехқонларнинг жон-пони



чикиб кетса ҳам пинак бузмайди. Баланд келганларга бир уқрайса бас, овози учади. Ёкимсиз нимасидир бор бу одамнинг.

Асилбек нарсаларни юхонага жойлаб, Бахтиёр аканинг ёнига ўтираётган эди, у:

– Орқага утиринг! – деб тунгиллади.

Асилбек ҳайрон, бунга гаши келган булса-да, орқага утди. Қайтага яхши, жой куп, керак булса ётиб кетади. Машина жойидан жилди. «Бу ҳам Худога таваккал-да!» – уйлади Асилбек ичиди. – Қаёққа кетаяпти, неға кетаяпти? Манави одамлар кимлар? Яхши одамми, ёмонми? Нияти қанақа, билмайди. Да часиям тог орасида, одам оёғи етмаган жойда. Кора тог дейишармиш у ёқларни. Олдин эшигмаган. Кора тог... ишклилиб яхшиликка бўлсин. Жияни Норматниям чақирволади, кейин. Нима уй бузиш... Ҳеч курса, «у ёғи унақа бўпти, буёғи бунақа бўпти», деб жигингга тегмайди, ҳеч ким. Гурса-гурс бузасан, кетасан. Асилвойга ишми шу? Ойдинда оёғи килади. Кейин... яқинатрофда санаторий, дом отдиҳ бордир... Битта-яримта жонон тузогига илиниб қолар... Унинг гавдасини курган қизлар чинқирворади. Мушаклари контокдай уйнаб ётади. Ҳамёни қаптайган булса, қизларга яна нима керак...» Бахтиёр aka узига бино қўйган бу йигитни боядан бери зимдан кузатиб келаётганди. Орқага утинг, дегани малол келиб, унга руйхушлик бермади. Ҳа, энди эҳтиёт булиган яхши-да! Одамнинг кимлиги пешонасига ёзиб қўйилмаган-ку! Шу хатосини тузатмоқ ниятидами, Бахтиёр aka суради:

– Қаерликсиз, оғайни? Ота-онангиз, оиласиз борми?

– Асли Шахрихонданман. Ота-онам акам билан ту-

ришади. Мен тирикчилик қайғусида бу жойларга келиб қолдим. Оилам...

– Фарзандлардан нечта?

– Үглим бор, кайнонамни қулида қолган.

– Ие, келин-чи?

– Улган!

– Э, аттанг. Худо раҳмат қилсии-э, ёмон булган экан-ку! Касалмиди?

Асилбек бошини эгди. Оғир хурсиниб олди-ю, гапириси келмай деди.

– Ҳамма касал булиб улмайди-ку. Энди ҳаёт эканда... Йукса юрармишим, дарбадар.

Орага оғир сукунат чукди. Бир оздан сунг Асилбек суради:

– Дачани нега бузади. Шунисига вабиғе тушунмадим. Сотса бұлмасаканми?

– Э... кимам оларди, бу дачани! – деб юборди Бахтёр ака. Кейин ногуғри ганирганини англағ, тилини тишилади. Хурсиниб гапида давом этди. – Энди гапиrsa гап күп. Хужайнинг кичик үғли бултур үшатда жарға ийқилиб үлди. Шунга янга күймаяпти, бузасан деб. Бузиб «строй матрал»ни сотмоқчи. Янга бузиб теп-текис килиб юборинг, дачанинг нинасини ҳам олманғ, деганди. Энди... Хотин киши-да, калта үйлайди. Үйни бузгани мinan үгли тирилиб келармиди?! Тогу тош бўлса, бола-да, билмаган. Шухлик қилган. Шу бузаяпти энди. Сизларга кувват берсин. Қанча тез битирсангиз, шунча яхши. Манам бузчининг мокисидай у ёқдан-бу ёққа қатнашдан бездим. Жонга тегди. е! Кургунча-ку, улиб кеттандик. Ҳали курасиз, бир түпканинг тагида. Атрофда на уй, на бирон жонзор бор. Ахмок булиб йул соганимизчи, эссиз, эссиз...

Асилбек йулни эслаб қолиш учун ойнадан ташкарига қараб кетди. Хумсондан Киргизистонга қараб кетиладиган йул экан. Ҳали кетишаپти, ҳали кетишаපги... Бу кетишида Бишкекка етиб боришади-ёв... Чорёг тоғ. Яккам-дуккам дарахт, илон изи йул... Кун ҳам тикка келиб, беаёв қиздира бошлади. Асилбек терлаб кетди. Баклажкадаги сувларнинг бирини олиб ичди. Ҳовучига қуйиб, юзларини ювиб олди.

— Ух, ҳакиқат боракану, — деб қўйди узи гапиргандай. — Бу хўжайнам тошган экан-да, бу хилватгоҳни, настоящи жунгли-ку, бу ер!

Узокдан баҳайбағт кон-қора тоғлар куринди.

— Чурғ, ростданам кора-я, — деб юборди Асилбек ҳайрон қолиб. — Тоши қорамикан-а?

— Э, ҳали куп ғалат нарсаларни курасиз Асилвой, — деди Бахтиёр ака машинани сайхонликда тухтатаркан. Бу ер дарахтзор булиб, олдидан шовуллаб даре оқиб угаркан.

Уиноқи ирмоклар тошдан тошга урилиб, кўпикланиб оқардики, кузни қувнатиб. Тепасида ингичка куприк. У ёғи тоғ...

— Тепада кулам бор! — күшимча қилди Бахтиёр ака йигитни куприк гомон бошларкан. Капотни очиб ҳалталарни олди. Бигта ҳалтани узи олди, қолган иккита-сини йигитга тутқазди. Куприкнинг нариги томонида, тог ёнбағрида чала битган, икки қаватли кулранг бино кузга ташланди. Ромлари олинган ерлари қоп-корайиб очилиб қолганди. Буни куриб йигитнинг кунглига бир совуклик оралади...

Шу дам мунгли бир овоз келди. Йиглоқи... дилларни уртайдиган даражада илгижоли, ҳазин, ғалати бир товуш...

Асилбек сесканиб атрофга қарали. Юкларини ерга күйиб кулок тутди. Шу пайт тог сибағридан коптоказай тош юмалади-ю, йулда учраган майда тошларни шакирлатиб сурганча. шитоб билан шалопплаб сувга тушди.

– Нима бу? – чучиб Бахтиёр акага қаради Асилбек.

– Ҳа, ана мол ўтлаб юрибди-ю, тошни босворган-дирда, нима буларди? – деди Бахтиёр ака лоқайд.

– Овозчи, овозни эшиздингизми?

– Қанақа овоз? – ҳайрон булди иш юритувчи. – Иссиклабсиз шекилли-да, ука. Битта сувга тушшиб чикинг... чарчогингизни олади.

Улар йулда давом этишли.

Хужайнин буёғига ҳам йул солмоқчи эди. Орада фалокат булиб, ҳаммаси қолиб кетди. Падарига лаънат бу уйни! – сукинди Бахтиёр ака. – Тенага чиққунча белим чикай дейди. Энди... ёш булармидим. Чарчадим-э! Бу ёққа техника чиқолмайди. Шунинг учун ҳаммасини кулда қиляббиз...

Ниҳоят, тоғдан юқориляб, ҳовли саҳнига утишди. Ҳовли текисланган, аммо уртада куму гишт уюлиб старди. Бир чеккада умивальник, унинг ёнида кир сочиқ осилиб турарди. Кир эмас, афтидан ювилавер-риб. гилдираб кетганди. Худди уй каби ромлари олинган бир хонага сим каловат күйилган, кимнингдир ушандай охори кетган шими билан ёқаси яғир күйлаги осилиб турарди.

– А графни урашмабдиям, – ҳайрон булди йигит.

– Э, бу ёққа кимам келарди. Онда-сонда чүпончулиқ йүқолган күйини излаб қолмаса... одам келмайди.

Ҳаво мусаффо, атрофда қушлар сайрайди, аммо

бу ерда қандайдир оғирлик бордай... Асилбек бунинг нималигини тушунмаёттанды. Бахтиер aka қулини белига тираб, уртада дуппайиб турган күм-шагал олдига келди-ю, зардаси қайнаб кетди:

– Ие? Ҳеч бало иш кимапти-ю бу! Шлако-блокни кучир деб кетувдим. Вой, падар лаънат! Шорасул, хо Шорасул. Ука, қаттасиз? – чакирди у жаҳл билан. У белини ушлаганча хоналарни қараб чиқди. Йук. Ҳайрон булди. Бу пайтда Асилбек нарсаларни халтадан олиб, ҳовли чеккасидаги кароватта тахлаб күшанди.

– Каёкқа кетибди бу? – унга савол назари билан қаради Бахтиёр aka. Икковлашиб иморагнинг орқа томонига утишиди. Шу ердан тог томонга бир машина сифтузлик йўл утганди, бир томони жарлик, бир томони атири... тепаси тошли тог эди. Яна уша гарафда мавжланиб кул кузга ташланарди...

Шу пайт Асилбек деворга суюлиб утирган йигитни куриб қолди. Бахтиёр aka хам уни куриб бакириб юборди.

– Шорасул, иним?! Ие, сизга нима булди?

Йигит қилт этмади. Бир нуқтага қадалиб утираверди. На салом бор, на алик.

– Ука, бу нима утириш? – жони ҳалак суради Бахтиёр aka. – Мазангиз қочдими?

– Туринг, туриңг! – уни қултиқлаб турғазмокчи булди эркак. – Асиљвой ёрдамлашворинг...

Нотаниш йигит индамади. Каловланиб савол назари билан Бахтиёр акага қаради. У маст одамдай узини эплолмас, гоҳ унг, гоҳ чап тарафга огиб кетаверарди.

– У келди... – деди Шорасул худди узига узи гапиргандай куркувдан кузлари чакчайиб. – Мен туш деб уйлабман.

– Ким келади, қанақа туш...

– Үктам... Аскарликдаги дустим... – ютоказиб нафас оларкан деди Шорасул. Тураётіб мушт булиб туғилған құлларини очиб курсатди. Кафтидаги папирос қолдигини Бахтиёр аканинг бурнига сұқди.

– Қаранг... Мен чекмайман дедим, у чекди. Кетма-кет чекди. Қолдиги қопти... – Бахтиёр ака Асилбекка саросималаниб қараб қуиди. Кейин икков Шорасулни судраб кетиши.

– Сув-ітүв ичворинг ука, қурқибсиз! – деди у йигитни сим кароватига ётқизаркан, Асилбекнинг энсаси қотди.

– Тоғ жойда энди, қурқан... Бир узи қолу'вди... – йигитни оқлагандай деди Бахтиёр ака.

Асилбек ҳайрон бундан баттар жойда қолиб, эти тикраймаган, манов меров нимадан қуркиби шунча? Ғирт дангасалиги стмагандай, «вос-вос» касалиям боров... Бир балоси бұлмаса, шудгорда қуирүк на қилур, деган гап бор. Узи қамалиб чиққанидай, буниям бир ишқали бордир-да!

Бахтиёр ака Шорасулга сув ичириб юборди. Кейин чой-пой қуиб, дастурхон тузади. Асилбек наридан бери нонушта қилди-ю, ишга киришиб кетди. Иш юритувчи ошға уннади. Уннинг айтишича, Дилшод деган бир бола. овқат обкеларкан.

– Эрталаб амаллайсизда энди, иним, – деди Бахтиёр ака. – Лекин абед минан ужин законний булади. Дом отихники... Диңшодни тилпонини ёзволинг, ман тайинлаб құйғанман, – жиз-биз қилаётіб деди у.

Қош қорайгунча Асилбек пешонағогни боғлаб, бирпасда ҳовлиға шлакоблокни уйиб қуиди. Бахтиёр ака йигитнинг чайир, қовушибгина иш қилаёттаидан

хурсанд булди. «Бу Ҳалилбей деганлари хұп үткір болада, балони билади» деб күйди ичиде. Тоғ-тошда күш эрта ботади.

Салқин түшиб, майин шабада эса бошлади. Бу пайтда Асилбек даре буйига тушган, юваниш бақона шу ерда утириб дам олди. Тошдан тошга урилиб, телбавор оқаёттан сувни томоша қилди. Тоғ гиёхларининг хиди, хашаротларнинг жур овозда чурриллаши кайфиятини кутариб юборди. Сувга биринки шүнғиб, онадан янги туғилгандай булиб чиқди. Артиниб, сочикни елкасига ташлаб, тепага, уй томон кета бошлади... Шу пайт кунгилни уртовчи чинкирик эшитилди. Аёл кишининг мунгли овози эди бу. Худди бояги овоз. Асилбек тұхтаб атрофға аланглади. Аммо зытиборни тортувчи ҳеч нима пайқамади. У шундай туюлди, шекилли, деб уйлаб йулида давом этди. Кейин чиябуриларни эслади. Улар ҳам аёл кишига үхшаб чинкиради, деб эшиптанди. Бури бормикан... Давангирдай йигиттә бури нима, итга үхшаган нарса, деб күйди ичиде. Асилбек юваниб кайтганида ҳовли четидаги ёғоч кароватда чирок ёқилған, ош сузилиб, шакароблар килинған эди. Чирок атрофика чивину парвоналар ғуж-ғуж уйнаб ётарди. Асилбек кароватта келиб утирди. Бахтиёр aka хонтахта тагига юмалатиб күйганини очди. Пиёлаларга күйди.

– Йигит тузувми, ош емайдими? – суради Асилбек.
– У ҳам юзта-юзта қимайдими, ошни уриб, гуппа ташламайдими? Бир қотиб ухласа, «вос-вос»лари утиб кетарди. Манов үгил боланинг иши буларди.

– Э, қуяверинг уни! – деди Бахтиёр aka, Шорасул томонга ишора қилиб. – Қани олдик! Шу уйни тезроқ битказиб, тезроқ кетайлик!

Асилбек, пислани сипқорди-ю, юзлари ловуллаб, иштаха билан ош ейиттга киришди. Бахтиер aka бир икки ошам еб, уй томонга хавотирли қараб қуиди.

— Ошга чиқинг дегандим, ҳаяллаб қолди-я, бориб чақирай...

— Узим! — Асилбек дикка урнидан туриб, уйга кириб кетди. Кейин Шорасул билан құлтиқлашиб чиқишиди.

У ҳали ҳам үзига келмаган, күzlари ичига ботиб, киртайиб ётарди.

— Акуркани куриб ҳайрон қолдим? — деди у Асилбекка. — Қаранг... Беломор канал. Ҳозир бунақаси чиқмайди. Сиз чекасизми, жура? — суради у.

— Чекаман, нимайди? Ролтоны, Мальбороми, бўловради. Омма паст тамаки чекмайман. Улкани тешворади. Ҳозир носга утиб олганмиз...

Шорасул ҳам қаторга қўшилди. Аммо хаёли узида эмасди. У акуркани яна Бахтиер акага кўрсатди.

— Қаранг, Беломор каналми шу? — иш юритувчи Шорасулнинг кўлидаги акуркани тортиб олди-ю, отиб юборди.

— Намунча мижғовландингиз Беломор канал, деб. Нима бўпти, Беломор бўлса! Чиқмасаям, этикеткаси-ни, босиб ташлашади. Ичи ҳашак бўлсаям, усти за-конний Мальборо бўп тураверади. Беломорни гирт ка-шандалар чекади. Уни ҳам оладиганлари бор. Шундан фил ясамант, ука! — деярли жеркиб гапирди бошлиқ.
— Мана, помошна келди. Энди ишни икки кунда амал-лаб ташлайсизлар. Узингизни кўлга олинг йигит. Бу нимасси! Ошдан енг, манавиндан қуйиб берайлик. Мана Асилвойни кўринг, ишниям боплади. ичишни-ям...

— Ман ичмайман, билас-ку, намоз уқийман! — деди йигит ароққа ғаши келиб. Иштаҳасиз ош ея бошлади.

— Агар, хафа булмасангиз, бир гап айтаман, — деди Шорасул. — Ман кетмоқчиман.

Бахтиер aka унга ялт этиб қарады.

— Тавба, эсингиз жойидами, иним. Шунгаям кетадими, одам?

— Ёмон жой бу ер... Билдим, айтмасангиз ҳам билволдим. Пул ҳам керакмас. Жоним омон кетсам булди!

— Ие, бу нима деганингиз? Аввал бошдан ҳаммасини тушунтирганман. Худодан узгасидан күркмайман, деган сизмидингиз? Энди бунақа қиласиз?

— Мендан олдинам Пета деган урис ишлаган экан-ку! Анов Дилшод айтиб колди. Кулга чүкиб улганмиш. Тұгрими шу?

— Гапириңг, улгани ростми?

Бахтиер aka Асилбекка хавотирли назар таіплади. Кейин:

— Дастанхонни йифиб олинг, аввал ошга фотиха үкйилік, — деди.

Асилбек ҳеч нимага тушунмағы. Факат «манов ҳажи киз, ингир-синғир қилиб, кайфни бир тийин қилди», деб үйлади.

— Ман Дилшодни курай ҳали. Бунақа гап тарқатиб нима қиласи. Уша Дилшодингиз бошқа гапни айтмадими? Уша уриснинг уласси ичволганини айтмадими?! Мастни ер кутармайди-ю, сув кутарармиди?! Чукканда кейин...

— Гап факт бундамас, узим курдим-ку! Үктам келди, олдимга. Полқдошим...

- Фалати буп қопсиз, алжиманг ҳар балони...
- Хүп, нимани күрдингиз, жа? – гапга аралашди Асилбек қизиксениб.

Аммо Бахтиёр ака Шорасулга үкрайиб қараб күйди-ю, унинг гапини булди.

– Намунча ваҳима қилдингиз? Буниям қувинг энди?! Сиз кетасиз, бу қолади, билдийзми?! Узиз кочганингиз етмагандай, бошқаларнинг шашти-ни кайтариб нима қиласиз, йигит? Үйлаш керак-да, бундог.

Шорасул айтсамми-айтмасамми, дегандай үйланиб колди. Кейин:

– Э, эслагимам келмайди. Курдим-да... – деди гудраниб Асилбекнинг бояи саволига жавобан.

– Бу гапировради, – яна орага тушди Бахтиёр ака.
– Парво қилманг, Асилвой. Сиз полвон йигитсиз-ку!
Бундан баттарини кургансиз. Дишод келса, суранг,
ана! Ичволиб, чукиб кетган, уша одам. Үласси ичган.
Белий гарячка буп, кузига ҳар бало куринади булар-
нинг.

Шорасул жаҳлдан қизариб кетди.

– Қанақа «белий гарячка» ни айтаяпсиз. Ман ичмайман-ку, ака. Намоз үкийман-а! Курганни эшит-
ган енгибли, деган гап боракан...

– Боя... ичгандан баттар эдингиз. Эркак одам сал
узини қулга олади, хупми! Булар-булмасга ўзини таш-
лавормайди. Уят-э...

– Ҳай, майли, бу кишини айнитгим йўқ, – деди Шорасул Асилбекка ишора қилиб. – Лекин бу ерда жиддий бир гап бор. Ман айтольмайман. Айтганим би-
лан ишонмайсизлар... Билганингизни қилинг. Аммо мен кетаман, гап шу...

Эрталаб ҳам совукқина нонушта қилишди.

– Аммо сиз шартни бузаяпсиз, пулни ярмини олас!
– деди Бахтиёр ака Шорасулга қараб. Шорасул индамади. Иш юритувчига норизо қараб қўйди. Эчкига жон, қассобга ёғ кайғуси, экан-да. дея уйлади ичида.

– Кечакайтдим-ку сизга, кечдим, берадиган пулларингиздан, деб. Тани-жоним сог булса, унақа пуллардан анчасини ишлаб оламан!

– Бунти, ихтиёргиз, – деди Бахтиёр ака пинак бузмай. Кейин Асилбекка қараб уктириди.

– Сиз ишингизни бушаштирманг, Ҳалилбей вайда-сида турадиган одам. Яхши ишласангиз, пулнингизни оширибам беради. Бир-икки кун утиб, бошқа «помощ-на» обчиқаман, сизга, хайми!

– Гап йук, ока! – деди Асилбек күксига уриб.

– Бейингиз туриб берса, бугани.

Асилбек уларни машинагача кузатиб қўйди. Шорасул ҳеч балони тушунмастган, калласи пуч, факат билакдаги кучига-да, ишонаётган манави йигитта ачиниб қараб қўйди.

– Жура, дсди у. – Кечқурун, калима қайтариб ётинг-а!

Асилбек унга безрайиб қаради-да, «хих» деб кулиб қўйди.

* * *

Одам одам билан экан-да, эй. Улар кетгач, Асилбек ёлғизланиб қолди. «Барибир битта ширик булгани яхшийди-да, ўёқ-буёқдан гаплашиб ишларди... Күшни-пүшни булсаям майлийди, итам йуга...» уйлади йигит. Кейин ишласам, вақт ўтади қабилида гишт күчиришга тушиб кетди. Гушгача анча иш килди. Бир хонани бузиб булди, деярли. Бахтиёр ака

экскаватор керак, деганди. Ана тайсер экскаватор—жонли. Қанча пули тежалди бу бойларнинг. Апиршапир гиштларни ҳам ҳовли уртасига тоғдек қилиб ўуб күйди. Тушдан кейин «балка» ларни кучиради. «Қиладиган ишни баҳоблаб олса тузук, — ўйлади йигит. — Бир ойларда тугаб қолади, бу иш. Унда бутун бошли дачани 600 га бузадими?! Э. бунақаси кетмайди. Жа «хетр»да бу бойлар. Ҳозир битта шу хонани бузади, қолганини нархлатиб. кейин бузади. Бир уч юзча нарх қуяди-да, бир хонага. Вобшем ёмонмас». Асилбек илжайиб күйди. Кузларга бориб уйлансаям буларкан... Уйланиш деса, юраги безиллайди. Холидаддан кейин ... кунглига кил ҳам сифмандиган булиб колган. Онаси уйланишдан гап очса «уф» тортганча даст урнидан туриб кетади. Уша куни уласси ичади. Дилинни уртаб кетди бу товуқ мия... Уни деса улиб қоларди. Наташа эса... Унинг олдида ким бупти, ўша Наташа! Улфатларига – бу урис киз «запаскам» деб илжаярди. Энди бу ёғи эркакчилик! Холида бўлса, шунга қизганиб... Уйиндан ўт чикар, деганларидаи «запаска» вазифасини ўтаган Наташа ҳам кимлигини курсатиб кўйди. Ҳа-а. ит қилди. Педараза... машинасининг аптечка ғаладонига ич кийими билан лаб бўёғини ташлаб кўйибди. Боплади, аммо ёмон қилди! Учини олди. «Холида ота-онамга керак, сен эса менга кераксан», деб «хетрлик» қилган ўзимасмиди?! Хотиним-домработницам, деган ҳам узи. Ҳа, энди эркак киши бир ҳурлиқонинг васлига етиш учун нималар деб валдирамайди. Кейин унутворади. Анов лаққи Наташа унинг ҳамма гапларига пақкос ишониб юрган экан! Унисиям товуқ мия, бунисиям... Эй, бундок каллангни ишлат... Эркак яхши курган аёлинни ёлгиз ташлаб

хурлайдими?! Наташа билан 20 дақиқада ҳаммасига улгуришарди. Остонадан бошланган өхтиросли бусалар ёткода тугаб, ювениб-тараниб чикиб кетарди. Бир оғиз ахволинг қалай, деб сурамабдиям. Қиз бечоранинг ортидан «ув» тортиб йиғлаб колишини билмаган экан. Аникроги, билмасликка олган. Керакми, шунинг проблемаси деганда, эй! Окибати бу булди. Аптечканинг ичига... Холида уни топиб олди! Асилбек муштини туғиб, тишларини гижирлатди. Тоғу тошга маъюс тикилғанча, папиросини жони борича сурис, ут олмаган тутантирикдай буркситиб тутун чиқарди. Ун йил аввал юз берган воқсалар бир-бир кўз унгидан ута бошлади. Уша куни қайнонасининг гүйилган куни эди. Совғага хонимчаси заргарга алтамбало тилло узук ясаттириди. Пулини Асилбек тулаган, албатта. Яна денг, бозорнинг додасини харид қилди. Икки кило сон гушти, қази-қарта-ю, қаймоққача... Холида эрининг буйнидан осилиб, икки юзидан чулпиллатиб упиб куйганида, Асилбекдай дев сариёгдай эриб кетсами?! Угил туккан хотин— эрка хотин булади, деганлар-ку! Угли Сардор бир ярим ёш, ушандада. Иккисини даст куғариб, чирпиратиб айлантирганди. Одатда хотини болали булгач, бехавотир, деб машинанинг орқасида кетарди. Шу сафар эрининг тантлигидан эриб кетиб, унинг ёнига утира қолганди. Сардор тушмагур ҳамма нарсани титкилаб ташлади... Охири... Олдидағи галадонни тортди. Асилбекнинг кузлари йўлда, пималигига эътибор қилмади. Боласи қизил бир нарсани оғзига олиб борганини. Холида уни жеркаётиб, жим булиб қолганини эслайди, холос. Кейин уша нарсани очиб куриб, ими-жимида сумкасига солиб куйди. Хозиргина чараклаб утирган хотини булат босган

куштайдай учди-қолди. Асилбек қанадайдыр фалокат юз берганини билди. Хотини тиззасида утирган боласини эркалатиб, унинг саволларига шахдам' жавоб қайтараётган булса-да, ичидаги талотўп кузларидан сезилаётпанди. Ҳатто ёнокларидан оқиб тушган куз ёшлиарини эрига билдиримай артиб ҳам олди. Бошқа пайт булганида уша нарсани олиб, эрининг башарасига отган буларди. Эрининг рулда утиргани, боз устига онасиникига кетаётгани учун, «суриштирув» ишларини кейинга қолдирди. Чунки, Асилбекнинг тутаб кетишни биларди-да. Йук, уринишлари бесамар кетди. Йиғлаганини курган шекилли, Асилбек шартта тормозни босди. Кейин хотини томонга угирилиб:

– Бир нарса булдими? – деб суради газабини ичга ютиб.

– Ҳеч..., – деди Холида маъюс, Сардорни уйнатган булиб. Асилбек жаҳд билан ғаладонни суғуриб олгудай тортди.

– Нимани олдинг, бу ердан? – деди у хотинига дук уриб.

– Ҳеч нима олганим йук! – зарда килди Холида ҳам.

– Ҳозиргина бир нимани олиб, сумканигга солиб қўйдинг-ку! Шундан кейин тумшайиб олдинг...

Асилбек хотинин томон энгашлиб, жаҳл билан сумкасини тортиб олди. Ичини очиб, Наташанинг ингичка «лямкали», борми-йукдай қизил ич кийими билан лаб бүёгини курди. Утирган жойида ҳайкалдай қотди.

– Энди кунглингиз жойига тушдими? – жириллади Холида ҳам. – Бола шуни оғзига солмоқчи эди, олиб қўйдим, – Холида хунграб йиғлаб юборди. Курқанидан унга кушилиб Сардор ҳам йиғлай бошлади.

— Учирларинг!!! — Асилбек шундай деб букирганча, машинани чинкиртириб оркага бурди. Зуриккан ғилдираклардан ут чикиб кетди.

Холида боласи бир ёқда қолиб рулга ёпишди.

— Бормайман! Уйингизга бормайман! Машинани оркага булинг!

— Болага қара! — уни гуртиб юборди Асилбек. — Ҳаммасини уйда гаплашамиз.

— Ҳеч нимани билишиням, эшитишниям истамайман... Уйимга кетаман. Манавини... — сумкасини шараклатиб урди Холида, — далил сифатида олиб қуяман... Судга!

— Бекорларни айтибсан! — чурт кесди Асилбек. — Уйдан бир қадам чикиб курчи!

— Нима қиласынгиз? — ғазабдан гезариб деди Холида ҳам.

— Сүйиб ташлайман, эшитдингіми, сұяман!

— Буни билишса, — буш келмади Холида ҳам сумкага имо килиб. — Акам сизни тикка сұяди!

Асилбек индамади. Газни босиб, дарғазаб, қарахт бир ахволда қайси кучадан кетаёттанини биліб-былмай, машинани ҳайдайверди. Хотини бұлса «ар-ар»қилаёттан боласини бағрига босиб, юмюм йигларди. Ора-сира «улғаним яхши, улиб күя қолғаним яхши эди!» дерди-ю, яна йиғлашга тушарди. Асилбек ғазабдан бугрикіб кетіган, күзлари шохкосасидан чиккудай, гүё машинани устунга олиб бориб урмоқчидай, бир важохатда ҳайдарди. У узини босиб, Холидани юпатиш үрнига пешонасига чұғ суқилған буқадай пишқираёттанды. Ҳа, у жинни, гирт жинни эди. «Пашшадан фил ясаш шартми. — деб үйларди ичиде. — Шу фожеами энди! Ҳа, у эркак, нима бупти, бир-икки марта шу үрисникига кирған булса...».

Машина доми, уз подъезды олдига келиб тухтади хам, қалтироғи босилмади. «Хозир, хозир ҳаммасини ўйлаб оламан» узини тинчлантиришга уринарди Асилбек. У машинадан тушди-да, айланиб келиб одд эшикни очди:

– Туш машинадан! – хотинига буюрди у.

– Тушмайман! – йигламсираб деди Холида. Асилбек ялиниб ўтирмади. Болани бир қули билан чириллатиб кўтариб олди-ю, иккичи қули билан хотинини тортиб туширди. Машина эшигини оёғи билан тепиб ёпчи-да, бир қулида боласи, иккичи қули билан хотинини судраб уйга бошлиди.

– Бормайман... қўнворинг, қўнворинг мени, – хотини унинг қулидан чиқмоқка уринди.

– Гаплашиб олайлик, инсон!

Холида унга қараб украйди.

– Нимасини гаплашасиз, нимасини! – Холида яна хунграб юборди. – Кечирмайман... икки дунёдаям кечирмайман, эшитдингизми?!

– Аввал эшит, барака топтур! Бу... бирорга тегишли. Эслаб олай, ҳой...

Уларнинг бу аҳвол келаётганига ҳайрон қараб турган қушни холага Асилбек боласини тутқазди. Ҳеч нимани тушунтирмай «шунга бир пас қараб туринглар», деди.

Икков уйга киришди. Уз уйи узига бегона туюлиб кетди. Бу дарпардалар, бу гиламу серрайган японча мебеллар юрагини сикарди, ҳаммасини отиб, синдириб дабдала қилгиси келарди.

Холида хам худди бегона жойга келгандай дивалга омонаттинга ўтирди. Жикқа ёш кузларини эрига қадади. Бегонага қарагандай қаради. Нигоҳи ила «сен

шунақамисан ҳали» дейтганга үхшарди. Асилбек қаловлаңды, узига ярашмаган бесунақай табассум қилди.

— Энди... Ҳалиги машинани кира қилгани Самад оғайнимга бергандим, эсингдами? Шуники булса керак, — Холида жонланди. Асилбек гапи хотиннига таъсир килаётганидан хурсанд ҳужумга утди.

— Одам эмас экан у! Машинани ишониб берсам... қара нима иш қиб юрипти, эшак. Бир-икки сүм ишласин, дебман, мен ахмоқ, — Асилбек энди хотинини томаман ишонтириш мақсадида пешонасига муштлаб ҳам қуиди.

— Ҳали қулимға тушади-ку, дабдаласини чикарама!

— Ёлғонни эпласангиз гапириң, хупми?! Самадга машинани қиңда бергансиз, сирпанчиқда минмайман, деб. Ундан кейин ичини минг марта тозаладим. Йүк эди, анави иплос нарсалар. Самаддан ҳам текшириб олгансиз. Узи ҳам қарагандыр, у ёқ-бу ёғига... Сизчалик ахмокмасдир, уйнашининг ич кийими аптечкага тиқиб құядыган! Буни бирорға тунқагани уялмайсизми?

— Тұғри, Самадга машинани қиңда берганиман... унда...

— Үзингизники! Наташаники! — деди шартта Холида. Асилбек анграйиб қолди... Гүё бетон уйи кандил-пандили билан устиға қулаб тушгандай булди.

— Сезиб юрардим, гумон қилардим... Шу киз күп телефон қиларди, сизге. Лекин... бунчаликка борасиз, деб уйламагандым. Машина... Машинанинг ичидә-я, — Холида яна йиғлашга тушди.

— Қ-қ-канака Наташа ... — деди Асилбек дудукланиб. Холида унга үкрайиб қаради-ю, сумка

и чидан ич кийими билан лаб бүёгни олиб, эрининг башарасига отди.

— Манавинака Наташа! — деди у газаб билан.

— Жиннимисан эй...

— Ношкур, виждонсиз...

— Ман мужикман, билдингми?! Сени эса... сени яхши кураман... асалим, — шундай деди-да Асилбек хотинининг белидан кучмокчи бўлди.

— Тегма менга! — портлаб кетди хотини ва юлқиниб унинг бағридан чиқди. — Иплос қулларингни теккизма, менга! Уша Наташангга уйланиб олгин. Битта хотинга қаноат қиласанг, менга деса 2-3 тасига уйланиб ол. Фақат... мени тинч куй. Мен эрини бирор билан бўлишадиган хотин эмасман! Айникса, сендек пасткашни...

— Ўчир овозингни! — бақирди Асилбек ҳам. Аммо хотини баттар тутади.

— Учирмайман! Бола билан ёлғиз қолиб кетардим. Ҳали командировка, ҳали киракашлик... Боламга карай демадинг, хотиним ёлғиз демадинг... Бу пайтда ўша билан...

Асилбек ўрнидан туриб кетди.

— Ўчир, ўчир овозингни? — деди-ю, хотинини шапалоқлаб уриб юборди. Аммо Холида наст тушмади.

— Ур, ўлдир! — деди хезланиб. — Бундай іпармандаликка чидагандан кўра ўлганим яхши.

— Ўзингни билвол, сен оппоқмисан... бурчакка тортсам жон, деб борардинг-ку... сал қолса...

— Нима сал қолса? Бу билан нима демокчисиз?

— Бўпти... Наташани аллакачон йук қилганман. Ўзингни босвол, ўртада бола бор!

– Бола бор! – баттар жаҳли чикиб кетди Холида-нинг. – Бола деяпсанми? Харом-хариш юриб, энди-ми, бола дейсан? Бола сеники эмас, билдингми сени-ки эмас!!! – эрининг кузларига чакчайиб деди Холида. Асилбекнинг юзига қон тепди. Бир ҳол-важоҳагда хотинининг тепасига келди. Унинг қулидан тортиб тургизди-да, елкасидан ушлаб силтади.

– Нима дединг, кайтар? Қайтар гапингни?

– Бола сеники эмас!!!

– Атай, уч олиш учун шундай деяпсан! Жаҳлимни чиқарма, дедим! Гапингни уйлаб гапир...

– Эрга-ю, кеч кучада юриб, бу уйда нималар булганини билармидиш... сен каттан ҳам билардинг... – Холида хунграб йиглаб юборди. Асилбек бу яғи-ликдан серрайиб түриб қолди. Кейин хотинига қаттиқ ўшкирди.

– Унда кимники, гапир!

– Уйнашимники!!! – чинкирди Холида ҳам. – Уйнашимники!

– Учир овозингни... Ҳозир улдираман.

– Сен у ёқда Наташанг билан мазза килганини да, бу ерда бошқаларам...

Холида гапини тугатолмади, келиб тушган қаттиқ зарбдан даҳлизга учиб тушди. Куркканидан балкон ай-вончасига қочиб чикди-ю... Асилбек етиб келолмади. Хотинининг кичкирганини ва пардаларнинг тариллаб йиртилганини эшилди, холос...

* * *

Асилбек қандай килиб пастга тушганини билмайди. Учиб тушдими, юрибми... ишклииб пастда пайдо булиб қолди. Югурдики... уша томонга!

— Вой, тепадан биروف түшиб кетди! — деб бакиради күшнилардан кимдир...

— Тез ёрдам чақириңглар, хой тезроқ!

— Улмаганмикин ишкилиб? — икки-учта күшни бараварига югуришди. Холида ётган жойга. У бир асфальт булиб юз тубан ётарди, бошидан сизган қон аллақачон кулмакча ҳосил килганди. Буни куриб, Асилбек, девдай йигит уша жойда чуккалаб утириб қолди. Сардорни кутарғанча күшни хотин ҳам югуриб чиқди...

— Ёрдам беринг, ёрдам беринглар! — қаёкқадир узоқка қараб бакирди Асилбек. — Духтир, духтир борми, хой! Улиб қолади! У улади...

Бирпасда атрофға одам ёғилди.

— Тепадаги келин түшиб кетибди!

— Ойна артаётган экан, — деди биروف.

— Эри урибди! — деди иккинчи одам.

Асилбек атрофдаги нарсаларни англайғылан ахволда эмасди. Кимлардир уни Холиданинг олдидан олиб кетишиди. стулга утқазишиди. Сардорни күтариб олган күшни хотин тинмай жаврар, у эса шу аёлнинг чакагини учириш учун башарасини гижимлаб ташлагиси келарди. Нихоят, Асилбек унга-да интилиб. тинмай чириллаётган Сардорни кулига олди, украб йиғлаганча уни бағрига босди. Бу пайтда Тез ёрдам билан бирга милиция машинаси ҳам етиб келганди. Кутылмаганда оломон «оҳ» уриб юборди.

— Ёшгина экан-э! — деди биروف. Худди жанозага келгандай хамма бараварига юзига фотиха тортди. Асилбек бир нима булганини сезди, болани күшни аёлга тутқазди-ю, уша томонга чопди...

— Холи-и-и... Холида-а!

Одамларни ёриб утган Асилбек устига оқ чойшаб ёпилтган жабрдийдани замбилда күтариб кетишаётганини курди. Шундагина у қандай фожса юз берганини тушунди. Холида улган эди...

— Улди... Улишти..., — деди у секин.

Қанчалаб одам тепадан тушиб кетади, лекин улмайды. Унинг Холидаси булса, уччинчи қаватдан тушиб... нега улади? Нимага? Балки адапшишгандир...

Асилбек ғалати булиб қолди. Күл-оёги бору йуқдай... Узи, вужуди парчаланиб кетгандай, қаерда турганини англолмайды ан даражада карахт эди. Анча пайт шу ахвол туриб қолди.

— Амаки, телефонингиз? — деди қандайдир бегона бола. Кейин унинг қүшниси Гулчехра опанинг угли Омон эканини таниди. Телефони ерда ётар ва тинмай жирингларди. Асилбек телефонини ердан олди. Қайноаси қунгироқ қилаётган экан. Беихтиёр тутмачани босиб, телефонни қулогига тутди.

— Қачон келасизлар? Қаердасизлар? Бир соатдан бери қунгироқ киламан-а! — деди қайноаси зардали охангъда. Асилбек ҳеч нимани тушунмади. Негадир узи билмаган ҳолда:

— Ҳозир... ҳозир борамиз, — деди.

— Йулдамисизлар? — суради қайноаси яна.

— Йулда?..., — деди Асилбек саволомуз, нега бундай деганига ҳайрон булди ва тугмачани босиб күйди. Кейин булган воқеаларни эслашга уринди. Ичкарида жанжаллашишди. Асилбек Холидани ургапидан кейин даҳлизі а қочиб чиқди. Унинг даҳлизда йиқилиб тушгани шундок куз олдида турибди. Кейин хотини тура солиб балконга кочди... У ёғи нима булганини билмайди. Курмади. Ахир қандай килиб деразадан тушиб

кетиши мүмкін? Умуман тушунарсиз... Дераза очик қолғанмікін? Ана, ана?! Бу товук мияга неча марта айттан у, деразаны ёпиб юр, деб! Ана ахволи энди... Кетди замбілдца!

Кучада турган Асилбекни иккита сержант йигит келиб олиб кетди. Уни суроқ қилишли. Бир-іккі күн нима қилаётганини, нима еётганини билмай гаранг булып юрди. Кечалари ухлайдими, хаёл сурадими, билмайди. Факат... бир фикр тошдай босади юрагини. Холида улди, энди у йүк... Асилбекни ҳар куни камерадан олиб чиқиб кетишади-да, суроқ қилишади. Терговчи жиккакгина, күзлари ичига боттан, захар йигитки...

– Гумондор Маҳкамов! – деса, унинг қулогига худди «ув, ҳұқиз» деётгандың үшінде шабындағы әшитилади. Унинг очик кесатиги-ю, фитначи гапларига чидайды, тишини тишига босиб чидайды. Бу қылтириқнинг савол-сурогидан шундай маъно келиб чиқады, гүё у хотинини деразадан итариб юборган, атайлабдан! Бунинг орқасыда ким турганини Асилбек билиб угирибди. Қайнонаси, қайниси Ғулом кунда-шунда! Қайноасининг «бу иплосни қамоқда чиритаман!» деб бутун дақлизга аюданнос солғанини ҳамма әшитди. Индамайды. Дами ичиди. Ишга анов «төлка»си аралашгани ёмон булди. Жуда ёмон булди шу. Агар шу очилсами, қайнонаси қиймалаб ташлайды, уни. Хотин – фитна. деб бекорга айтишмаган экан. Кобранинг килган ишини қаранг. Бир одамни улдирди, бунинг фитнаси...

– Үзиз тушунас-ку, брат, – деди у терговчига, гарчи уни улардай ёмон күриб турган булса-да. – Ман эрекман... манга бакирмаса йўқ эди шу ишлар.

— Хотинингизни нега урдингиз? Марҳума улимидан олдин қаттиқ зарба еган экан. Бармоқ изла-ри эса сизники...

Асилбекнинг энсаси қотди. Унинчи марта айтаяпти буни... Атайлаб, уни жигига тегиш учун.

— Нима, сиз хотинингизни урмаганмисиз? Хотинингиз башарангизга чакчайиб, бола сеники эмас, уйнашдан булган деса, урмасмидингиз...

Терговчи қоп-қора золдир кузларини унга кадади.

— Йук, бунинг сабаби бошқа! — деди у маънодор килиб. — Мана бунинг сабаби! — у Асилбекнинг олдига селофанга солинган кизил аёллар ич кийими билан лаб буёгини суриб куйди. — Шулар жанжалга сабаб булган. Буни... уйингиздан топдик. Бу нарсалар марҳумага тегишли эмас...

Асилбекнинг юраги «шув» этиб кетди. Бу ментлар ҳаммаёкни исказ юради... Асилбек жаҳдан, уятдан кизариб кетди. Оғир хурсинганча, бошини чангалиди.

— Хуш, бунга нима дейсиз, шер йигит! — деди терговчи унга кинояли назар талларкан. — Балки унинг кимлигини үзингиз айтарсиз...

— Битта-яримта пастнинг иши-да, вей! Қасддан ташлаб қуишишган!

— Имм... шунақами? — унга синовчан тикилди терговчи. — Үзингиз айтасизми ёки ёрдамлашворайми?

— Билсангиз айтоворинг, нима қилас одамни хит килиб!

— Наталья Михеева, Юнусобод 16, 10-уй, фалонинчи хонадон! — ана энди терговчи, юз фоиз ғалаба қозонганди. Асилбек обдон мушт еб, дабдаласи чикқан боксчидай шалвираб қолди.

— Билсангиз бупти, сураб-қистаб нима қиласиз?

Сизга маңсабми шу! Одамларни калака килиш...

– Гапингизни үйлаб гапириңг, Маҳкамов! Уртада одам ўлган! Буни сабабини аникладі – мани вазифам!

– Вазифайиз бұлса аниклант, аммо тұхмат қилманг, хұпми?! – деди Аси ібек ҳам зардаси қайнаб.

– Бу ахир, ман хотинимни улдирдим, деганимас-ку! Холидага яхши күриб үйланғанман. Яхши курардим уни. – Асилбек күкрапига муштлади. – Манов эса, – у селофандаги нарсаларга имо қилди. – Шунчаки... эрмак зди. Хато қијдим, биламан...

– Кечириб күясиз! – яна кинояли охангда деди терговчи. – Сиз уни эрмак қылмагансиз. Биз гражданка Михеевани ҳам суроқ қилдик. Агар у эрмак булса, нега Григорийни дүппосладингиз. У Михеевага үйланмоқчи булган. Сиз эса уни бориб, дүппослаб келгансиз. Ёки бундан ҳам тонасизми? Сабаби Михеевани рашқ қилгансиз. У билан муносабатларингиз жиддий зди. У сизга эрмак булмаган. Қайтага иккөвингиз бир булиб, шурлик хотинингизни эрмак қилгансиз. Хуш, гапириңг зиди? Сиз муаммо борки, муштингиз билан ҳал қилишга үрганиб қолгансиз. Шунақами? Шунчалик ҳам урасизми, аёл кишини. Балки уни уриб, деразадан итариб юборгандирсиз? Балки шунга мажбур қилгандирсиз!!!

Сунгги саволни эшитиб, Асилбек важоҳат билан урнидан туриб кетди. Стулни бир тепиб кулатди-ю, терговчининг ёқасига ёпиши.

– Иплос!!! Қотилликни илмоқчимисан, ҳали! Қайнонамдан қанча пора олдинг, гапир?! Қанча олғансан?

Уша кезлари Асилбек билакдаги кучига ишонған хуроз зди. «Любойини на катена» күяман, деб

үйларди. Аммо уша куни терговчининг хонасига шитоб билан кириб келган иккита сержант йигит қулини шундай қайирдики. Асилбек деганлари ихраб юборди.

– Упкангни босвол, ука! – деди терговчи ёқасини тутрилаб. – Буйнингга яна иккита статьяни илиб куймайин! Қилғиликни қилиб қуйиб, манга дуқ киласан...

– Обчикиб кетинглар уни! Сал совисин!!!

Ана шундай ноҳушликлар билан бошланган ишнинг охири нима буларди. Атайлабдан қилишди, аввалдан келишиб... Бахтсиз ҳодиса юз бергани кундай равшан эдику-я!!! Булар эса... Э, ҳаммаси бир гур... Анов сарик илон ҳам тинчимабди, инида. Бу чакқани кам экан. Наташани терговга келганида куриб танимай қолди. Шуми... «сени севаман» деб, унга илондай чирмашган аёл шуми?! Лаблари кимтилган, кузларида уша... Асилбек чукмокчи булган мовий кузларида каҳр ёнади. Йук, у мутлақо Наташага ухшамайди. Бегона... яна безрайниши-чи?! У ургатада одам улганини умуман хис килмаяшти. Ичида... хурсанд ҳамдир...

Асилбек унинг башарасини гижимлаб ташламоқчи эди, у:

– Убери грязные руки свои! – деди пинак бузмай.
– Каззёл!!! – ижирғаниб қушиб куйди у. Терговчига йиги-сиги қилганини кўриб анграйиб қолди.

– Сендан ву артист чиқади, – деди Асилбек тишларини гижирлатиб. Наташа унга парво килмади. Вижир-вижир қилиб, уям бир балоларни тункади. унга. Асилбек уни зурлаганмиш. Ҳамма ерда, уйдаям, ошхонадаям, машина ичидаям, кучадаям, ишқилиб-да! Ҳайвондан фарки йўқмиш. Ундан кутуолмай шу ишни қипти, каранг. Куйиб берса-ку, калласини узар-

ди, бу манжалакининг. «Хотиним – домработницам!» деганини минг марта такрорлади. Аммо узиям жазосини олди-ку! Матълум булишича, у мутлақо кийилмаган ич кийимиши ташлаб куйган экан. Бу ишни атайлаб қилгани фош булди. Аммо... икки уртада... шурлик Холиданинг жони увол кетди-да! Асилбекни ун йилга кесвoriшди. Анов сарик илон эса уч йил шартли жазо олди. Энди эслаб ҳайрон колади. Ушанинг нимасини ёқтирган экан, қандай қилиб «ётган» экан уша тасқара билан... Эссиз, эссиз Холида. Шу эшакларнинг кағрига қолди. Аммо хотиниям фаришта эмас экан-да, Асилбек шунга куйди. Холиданинг уша гапларига ҳали ҳам чидай олмайди. Эсласа ичи... ичи ёнади...

* * *

Хуллас шунака тушига кирмаган ишлар булиб кетди. Аламларини кул босиб қолди. У ҳеч кимга ҳеч нимани исботлай олмади. Шу чапанича феъли-ю. «утириб чиққан», деган тамғаси билан кимга нимани уқтиради... Э! Аслини олганда хотинининг улимида айби борлигини яхши биларди. лекин... судда кайнонасиининг «хотинбоз, бузуки» деб юмма талагани, қайнисининг ҳезлтаниб, ураман, деб келгани кунглини без котирди. Қамоқдан чикибам улар эшигига мураламади. Боласиниям күрмади. Суриштириди. қўшнилардан. Сардор 4-синфда уқияпти экан. Мактабига бориб яширинча куриб келди. Аммо юрак ютиб олдига боролмади. «отангман»деёлмади... Ҳа, уша гап, Холиданинг улими олдидан деганлари бунга йул бермади-да! «Тагига етаман, бунинг!» деб узига суз берди. Утандан бери дили наматдек чигал булиб ётибди. аммо у чидаяпти. Мажбур шунга... Кутилмаганда настдан бирор чақиргандай булди:

– Бек ака, хов, Бек ака! Ким боор...

Асилбек чучиб узига келди. Одамнинг овозини эшитадиган кунам бор экан-ку, дегандай дили ёришди.

– Хов, лаббай! Кславеринг, кимсиз? – овоз берди Асилбек.

– Ман, овқат обкелувдим. Бахтиер акам айтувмидилар. Ман Дилшодман!

Шу дам Асилбек ховлидаги таҳта каловат енида оқ халта кутариб турған йигитни курди. 20 ёшлардан ошган, куркамгина йигит халтани каловатга қуйиб, у билан куришмокқа чоғланди.

– Ҳорманг, энди ака! Ишлар буляйтими? Чарчамаяпсизми? Овқат обкелувдим, иссиғида еб олинг...

Асилбек у билан чаққон куришиб, чой қуйиб юборди, дарров дастурхон сзиб, борини келтириб қуиди-да, халтани очди.

– Тепага чикинг, ука! Бирга овқатланайлик! Зерикиб улай деяпман, икки-уч кундан кейин шоголлардай увилиласам кераг-ов...

Дилшод кулиб юборди. Кейин кетмокқа шайланди.

– Машинам... пастда қолувди. Ишлар бор...

– Кутиб туради, уша ишлар! Чикинг, тепага! – буюрди Асилбек. – Икки кундан бери биринчи марта гирик одамни куриб турибман. Инсоф қилинг-да сизам, журга, – ҳазиллашди Асилбек. – Би-и-ир отамлашайлик! Асраб қуйганим бор.

– Э, ака, бу ерда ичмасейз яхшийди... Назар тушган жой бу ерлар... Ғалат ишлар булди... янганинг уғлини эшитдингизми? «Шарик баҳ, баҳ», «Шарик бери кел», деб жарликка тушиб кетибди. Урни-тагида йүқ ит куринганиши. Анов мастрвой писиң бор-ку Пета, шуям кулга чукиб улди.

— «Гишт» булиб ичволған экан-ку, Бахтиер ака айтди, — нон синдириб, халғадаги кострюлкани оларкан, деди Асилбек.

— Ичгаликка ичганди. У муман, у доим кайфда юрарди. Ну, чукмаганди. Бу сафар... күл ичидан бирор чакырганмиш...

Буни эшитиб, косаларга кошиқда овқат сузаёттган Асилбек «қаҳ-қаҳ» отиб кулиб юборди.

— Вохманинг уйи экансиз-ку, ука... обқочиш ҳам эви билан-да, — кулиб деди полвон йигит ва «асраб куйган» шишасини очишга тутинди.

— Курқиятти деманг-ку, очиги, бу ерда чупонлар молам бокмайди. Эскитдан гап юради. «Шайтон куприк» деса ҳамма билади. Фақат анов... «Стиляга» бейингиз биззи гапни гап демади. Ким биландир гаров бойлашиб, шу ёққа уй солибди... Ишқилиб-да, ана энди боласидан ажралиб утирибди. Халқ йүк нарсаны гапирмайди, ака. Энди... эҳтиёт булинг, дейман-да!

Асилбек бодринг билан помидорни йирик-йирик килиб кесди-да, туз сепди. Кейин пиёлаларга арок күйиб, Дилшодга узатди. «Қани олинг, олинг» қилиб, узининг пиёласини бир кутаришда бушатди.

— Олинг, Дилшодбек. қани овқатга карант!

Аммо Дилшод ичмади. Иримига овқатдан олиша бошлади.

— Оббо сиз-эй, икки кундан бери шу ерда ёлгиз туриб, ҳеч вақо шайқамабман, қаранг... фақат биринчи келган куним ғалати овоз эшитилғандай булди. Бирор эзилиб йиғладими, күйладими билолмадим. Кейин тепадаң бир тош ваҳима билан сувга шалошлаб тушса, дeng. Бахтиёр акага айтсам, иссиклабсиз, ука сизга шунақа туулган, деди.

Дилшод деганлари бош чайқаб кулди.

— Ёмон «хетр» киши-да, у. Куркмасин, деган, ўзи балони билади. Бовам бир йили, шу ерларда куйларини утлатган экан, чайла курволиб. Тайёр сув, ут-улан мул...

— Ҳамма гапировради, ойдай жой булса, намозими ни укиб, калимамни кайтариб ўтиравераман. Бирор мани миннарса қиласынды, эй дебди. Орадан бир-икки кун утиб, қишлоқнинг хисобчиси Райим ака кеб қопти.

«Бу ёқларда Райимнинг нима иши боракан, — деб уйлабдилар бовам ҳайрон. — Бурнини сукмаган жойи йуг-а, бу исковучнинг, — дебдилар ичларида».

Хисобчи шошиб келиб:

— Янгамнинг мазаси йук, тез борармишсиз? — дебди. Ушанда Ҳожархон бувим дадамга ҳомиладор эканлар.

Бовам шошғанча:

— Ие, вой... , — дебдилару ҳеч нимани сурнштирмай, йулга отланибдилар.

— Сурувга балоям урмайди. Олапар қараб утиради, — дермиш у. Яна бовамни йулга бошлаб:

— Ман қалта йулни биламан, — депти-да тепага. — Дилшод кора тог томонга ишора қилди. — Тог томонга бошлаб кетибди. Бовам ҳам шошганда «билса-биларда» деб, эргашиб кетаверибдилар.

«Узи йул битта эди-ю, қалта йулни бу қайдан биларкан», деб ҳайрон булармишлар яна. Ана стамиз, мана етамиз қилиб, кетаверишибди. Қишлоқ уйлари куриниш үрнига, ҳамма ёқ такир тош, тогмиш... Бир пайт бовам тусатдан Райим аканинг аллақачон ўлиб кетганини эслаб қолибдилар-ку... У ёги нима булганини бовам эслай олмайдилар. Хушдан кетгандар.

Уч күн деганда, излаб, төглар орасидан бовамни зурга топишган экан.

– Уша ҳисобчи Райим акани тириклигига бовам роса урган экан. Күп гирром иш қиларкан-да. Қачоп қарама ҳисоби чатоқ чикармаш. «Раис бува айтдилар, биз кичкина одам» дебгина қутуларкан. Ўша сафарам «раисни буйруги» дейишигага қарамай, бовам уни роса тепкилаган экан.

– Омма бу – Райим чатоқ – касдини олди! – дердилар бовам шу воқсаны эслаб. – Сал қолса, Қора тогда улиб кетардим, шоголшарга ем булиб, – дердилар. Шунақа гаплар, ака. Атдихаюшийларам билади, бу жойларни. Факат... анов қайсар бейнингиз гапга унамади. «Ман унақа ажина-пажинага ишонмайман» деди.

– Анов ака бор-ку, Шорасулмиди оти? Шу акаям кетиб қоптими? Нима бупти унга, сиз шу ердамидингиз?

Асилбек пислага ароқ қуйиб күх-кухлаб ичиб олди-да, деди:

– Биз келсак, уйнинг орқасида узини билиб-бilmай утирган экан. Нуқул «биров келди» дейди. Кулида «акурка»... У чекди, қаранг «Беламорканал»! Ҳозир бунуқа папирос чикарилмайди, дейди. Очик-ёриқ ҳеч таш айтмади. Факат кегаман-о, кетаман, деб турволди. «Путиням керакмас!» деди. Шу... нимадан бунча курккан, билмайман.

– Ана курдингизми?! Сиз бусайиз, ишонмайман, дейсиз. Шу акаям, ке иним, деб абедга чакираарди. Зернишиб кегдим, дерди. Галатироқ одам эди, шу. Ҳеч таш пирмасди. Ичимдагини топ, дейдиганлардан эди. Манга адрес, тилпон берувди. Шаҳар тушсанг, киарсан. Бир чой қиб бераман, деган.

– Ҳмм... шунақами? Манов чойдан яхшимасми?!

– Асилбек қувлик билан **кү** кисди-да, яна пиёлаларга ароқ қуиди.

– Сиз ичмаяпсиз-ку, ука! – деди у Дильтодни ичишга қистаб.

– Омма, сиз куп ичаяпсиз, ака. Бунақа жойда ичиб булмайди, узи, – деди у ташвишланиб. Асилбекнинг энсаси котди. «Энди шу мишики менга акл ургатадими?» деб уйлади у узича. «Насиҳатингни энангга қил!» дегандай норозиланиб деди:

– Шу булмаса, ука, – шишага имо қилди Асилбек.

– Ман тирик қолмасдим. Мана хозирам. На күшни бор атрофда, на битта тирик зот. Одам галат буб кетаркан. Ҳамма кучиб кетгану, тоғ-тошда, умуман дунёда вобшем, ёлғиз қолганман. Абсолютна ҳамма нарса мъносини йўқотаркан. Мани... ичим ёнади, брат, – деди Асилбек. Унинг кайфи ошиб қолган, кузлари сузилиб, юзлари бугрикиб кеттанди. Дильтод деганлари унга карай туриб бир дарди борлигини гушунди. Индамади. Асилбек эса алжиб, йиғламсираб гапирди:

– Факат шу..., – шишага ишора қилди у. – Шайтон суви манга бас келади. Ҳовуrimни босади. А так... ман улган одамман, ука. Ун йил олдин улганман. Мани кумиб, устимдан тепкилаб ҳам кетишган.

Дильтод унга ҳам ачинди, ҳам гапларига тушунмади. Бошқа томондан ичволиб ҳар балони валдирайпти, деб уйлади.

– Э, брат нималарни курмади, бу бош. Энди... ҳаммасига тупурғанман. Ниятим фақат пул топиш! Караб тур, хали шоҳлардай япамасамми, Асилбек отим Заифбек бусин! Сан гувоҳ, ука, қулни ташла!

Дильтод унга қараб қулди ва шараклатиб қул гаш-

лади. Чиндан ҳам узи қупол булсаям, қош-күзлари қоп-кора, келишган бу одамнинг үзига тортадиган қандайдир сехри бор эди. Яна ҳовли уртасида тогдай уюлиб турган бетон туртбурчак ғиштларни куриб, бу одамга нисбатан ҳаваси ортди.

– Шууунча шлакоблокни бир үзингиз бузиб ташладингизми? – ғиштларга имо қилиб деди йигит. – Икки кунда-я!!!

– Нима қиласман, энди. Аламимни ишдан оляйман.

– Экскаватор буп кетинг-э! Бейингиз яхши тулайптими?

– Ёмонмас. Галига «отвечат» қиладиган мард одам экан. Пулдаа қочмади. Бизам шунга яраша елкани ягир қилиб ётибмиз, апа! Ха, айтганча, суралмокчийдим. Ужинга, домотдихингга үзим борсам-чи? Танса-панса булар, ахир. Иннайкейин... чиройлироқ қизларам бордир, эй!

Дилшод кулди.

– Борликка бору, бирови дадаси билан, бошқаси акаси билан келганды! Қолғанлари сизга түгри кемайди.

– Сенам а, ёмон қув бола экансан-ку! Түгри келиш-келмаслигини сен қаердан била қолдинг? Топиб оламан, үзимга яроқлisisини.

Йигит дастурхонга фотиха укиб урнидан турди. Асилбек у билан хайрлашаркан, шүхчан куз кисди-да:

– Ҳали учраипармиз-а?! – деб қуйди кулиб. Кутгилмаганда Дилшод ортига ўгирилди ва:

– Ҳар катай... эҳтиёт булинг, ака, биров стакласа кетовурманг..., – деди. Аммо буни эшишиб, Асилбек хохолаб кулиб юборди.

– Ажиналаринг мандан қурқишиш! – у түндай му-

шакларини уйнатиб мақтанди. Ёш эмасми, Дилшоддинг унга ҳаваси келди, аммо галати одам экан, деганча йулиға кетди.

Арокнинг таъсириданми, Асилбек тахта кароватда дастурхонни ҳам йигмай пинакка кетибди. Шу ухлагайча ухлабди, коронғи тушгунча. «Хой» дейдиган одам йук-да. Уй эгаси булганида, куярмиди, куппа-кундузи гункарилиб ётишига! Туш ҳам курибди, ҳатто. Хотини Холида шу ёкка, токқа келганмиш. Асилбекнинг узи уни кутиб олганмиш. Иккита катта жомадон.

– Намунча, шунча кийим? Кучиб келдингми, вей?
– деса, у кузларини пирпиратиб жилмайганча:

– Кучиб келган булсамчи?! – дермиш нозланиб. –
Хурсанд булармидингиз? Бу ерда Сардорниям кийими
бор, – дермиш.

– Сардорни? – Асилбек ҳайрон булиб жомадонларни очиб қараса, биттаси тула аёлларнини ич кийими, иккинчисида чақалоклар киядиган «ползунка»лармиш. «Сардор катта булиб кетган-ку, – деб уйлармиш Асилбек. – Шуларни киярмиди?!»

– Касалмисиз... намунча ётасиз? Бунақада иморат қачон битади, дермиш Холида. Асилбек кузини очишга уринармиш-э, очолмасмиш. Оёқ-қулимни кимирлатаман, деб чиранармиш... Охири уйгониб кетди. Пешонаси маржон-маржон тер, ланж-лохас бир ахволда урнидан турди. Оғзи какраи-таксир, атрофга коронғи тушиб булган, аввалига түнми-саҳарми, билолмади. Кейин пешин чоги Дилшод билан «отамлашганини» эслаб, соатига каради. Кечки туқкиз булибди. Тоғ-тошда күл телефони ишламаганига яраша соатни курсатиб турибди. «Оббо! – дикқат булди Асилбек. –

Энди качон тонг отади? Арокни кечқурун ичса эрталабгача қотиб ухларди, ҳеч нимани уйламасди. Роса ухлаб олибди-ку! Энди нима қилади? Чирок ёқиб булсаям ишлаш керак?»

Асилбек пастдаги дарёда бир чумилиб келишни дилига тугди. Тог тепасидаги кулга боришга чучиди... Ишқилиб-да, эхтиёт булгани яхши. Одам бекорга чукмагандир...

Тунда бу тогу тошлар янайм сирли, янада гузал куринарди. Шамолда дараҳт баргларининг шовуллаб тебраниши, димокқа келиб урилган гиёҳ ислари одамга узгача завқ бағишиларди. Туни тулдирған чурилдоқларни айтмайсизми...

Лекин... бу бокира табиатнинг одамлардан яширган қандайдир сири борлиги аён. Унинг ёқимли нафасидан, шаффоғ ҳавосидан, олам ибтидосида пайдо булган, бари ҳодисаларни жимгина кузатиб турган манави маҳобатли тоғлардан ҳам аён... Унинг бағрида қандайин синоату жумбоклар яширип, буни билган одам борми?!

Асилбек табиатга эркаланиб, алпанг-талланг оёқ босганча, пастга сув буйига тушди. Сув шарқираб оқарди. Күкдаги ой-ю юлдузларни ҳам оқизиб кетаётгандай, түлқинлар огушида улар ҳам бир ярақлаб, бир парпираб сув ичидан күзга ташланарди. Асилбек тез-тез ечиниб додлаганча үзини сувга отди. Охуҳ қилиб, роса чумилди. Кейин сувдан дилдираб чиқди-ю, чаққон-чаққон сочиғига аргина қолди. Танаси ҳам яйраб кетди-ей! Арок берган кайф қайда-ю, сувнинг роҳати қайда, солишириб буларканми? Бояги ланжлигидан асар ҳам қолмади. Үзини анави Дилшод деган йигитчадай ҳис қилди. Қани энди шерик-перик булса-ю, туп тепса, воҳ-ҳай, зур буларди-да!

Асилбек ясан-тусан килиб, Дишод айттан пансионатта отланиб колди. Нега режасини узгартирди. узи ҳам ҳайрон. Чирок ёкиб ишламокчиди. Э, зарилми шу, деди-ю, ишини ташлаб қочди. Узини ойнага солиб, соқолини киртишлади. Сочини тараб, жинси шими билан зангори футболкасини кийди. Шу ранг унга кетиб құяди, узиям. Қизларнинг күзи ёнали! У үз аксига бокиб, узидан мамнун «хайт!» деб қүйди-ю, үулга тушди.

Узокданоқ Шаҳзоданинг «Сен» күшиги қулоққа чалинди. Ёнгинасидан шитоб билан оқаётган сувга күшилиб оқди, узи ҳам.

Куз очиб юмгунча, пансионат қаршиисида пайдо булди. Дарвоза олдидә утирган коровулға «чуталъини гулаб ичкарига кирди.

Бир каттагина майдонча чироклар билан ёритилганди.

Кимләрдир майдон четидаги скамейкаларда утириб дам олар, бир гурұх ёшлар уртада ракс тушишарди.

Асилбек нигохи билан Дишодни излаган булди. Лекин йигит негадир куринмади. Кеттән булса керак. Шу пайт... скамейканинг ортида турған бир қызға күзи тушди. Уни курди-ю, юраги «шув» этиб кетди... Чунки у қуйиб қуйғандай Холидага үхшарди. Боз устига қиз ҳам унға қаттық тикилиб турарди. У бошқа аёллар каби ҳавас билан әмас, қандайдир упкаланиб, таҳдидли караёттанди. Гүё у ҳам бу күгілмаган учрашувдан вахимага тушгандай... «Қизик у ким булдийкин? Шунчалик ҳам одам одамға үхшайдими? – үйлади Асилбек. – Холида ёшлиқ пайтида худди шу қызға үхшарди. Исли нимайкин?»

Асилбек, гарчи бу ухшашликдан бироз гангиб қолган булса-да, хатто дилида гашлик уйғонганига қарамай, қизнинг олдига борди ва безрайиб унга қараб тұраверди.

Киз унғайсизланиб сочини тузагди, күйлагининг ёқасини тортиб күрди. Йүк Асилбекнинг гуриши уша-уша...

— Бир танишимга... жуда ухшар экансиз? — деди Асилбек унга сукланиб қараб.

— Нима бупти, — уни чурт кесди қиз. — Одам одам-га ухшайди-да. Сиз ҳам менинг бир танишимга ўхшаб кетар экансиз...

Асилбек жонланды.

— Ростдаими? Кимга ўхшар эканман?

Киз унинг юз-кузига сиңчиков назар солди-да:

— Поччамга! — дея кулиб юборди. — Поччам бу срда нима килиб юрибди, деб жаҳлим чиқиб турғанди. Қарасам, бошқа одам экансиз. Кунглым жойига тушди. Бумаса, бориб юмма таламоқчыйдим. Поччамнинг шұнақа, «шалева» га юрадиган одати бор-да.

— Худога шукр-ә! Яхшиям поччангиз эмас эканман. Йүқса, шурим қуиркан...

Киз яна шараклаб қулди. У бошини орқага ташлаб, кулинин күксига қуйиб куларди. Буни күриб Асилбек серрайиб қолди. Юраги орқасига тортиб кетди. Оёғининг учигача музлади... күркүвлан! Холида... Холида худи шұнақа килиб куларди. Қотиб кулганида күксига уриб-уриб қуярди. Аслида у ҳам хушчакчак қиз зди. Бунга тегди-ю, индамас булиб қолди.

— Ҳа! — деди қиз таънали оғанғда унинг бақрайиб қолганини қуриб. — Бир нарса бұлдими? Туришингиз бежо... уша... бирорларга жудаям ухшайман шекиллила, хих, — деб бурнини жийирди у.

— Астафирулло! Туф-туф! — күксига туфлали Асилбек. — Иемингиз ҳам Холидамасми? — шуни суралы-ю, юраги така-пұка булиб кетди. Қизнинг «Ха, Холидаман? Танимадингизми?» дейишидан күркәётганди.

Кіз дарровгина жавоб бермади. Бир зум жиддий тортди-ю. Асилбекнинг күзларига қаради. Қарочигинин түб-тубига тикилдики... бу «Мен Холидаман!» деганидан ҳам баттар булди. Гүё у бу билан «Наҳот мени танимаган булсанғиз?» дейтгана ухшарди. Асилбек тез-тез нафас ола бошлади. Шу бир соңия ичіда у бир улиб тирилди. Кіз әса аксінча, худди ҳеч нима булмагандай, яна жилмайды.

— Ағсууси... — деди нозланиб. — Иемим Зарнигор!

Бир зумтіна тинган мусиқа яна аюқаннос солиб янграй бошлада. Асилбекнинг қулоқлари том битди ва ишк марта бу ерга көлганидан пушаймон булди.

— Юрині... ракета тушамиз? — деди кіз беозорына.

Аммо Асилбек негадир бетокат булиб, уйга кеттиси келди. Бу ерда бир дақиқа ҳам кололмаслигини тушунды. Энди уни Холидага иккі томчи сувдес үхшаш қиз ҳам қызықтирымасди:

— Кетишим керак! — деди у шошиб. — Кутышаяпты мени?

Кіз бир чимирилди-ю, лабини буриб деди:

— Ростданми? Унакага үхшамаганди...

Асилбек кизга ҳеч нимани тушунтириб үтиrmади, кетди-ворди.

Ёлғиз оёқ йүл, сув шовуллаб оқади. Ой цурида атроф ярақтаб куринади. Куингани ҳам майли, баъзи дов-дараҳтлар одам шактита кириб, вахимали туюладики... Асилбек уларга қарамасликка уриниб, тез-тез юриб кетди.

Шу пайт орқада дарахт қарсилтаб синди. Аёл кишининг «оҳ» дегандай овози келди. Иигит шитоб билан оркасига утирилди-ю, кимдир, узини дарахт панасига олганини курди.

Соат тунги ўн бир ярим...

Бу пайтда тоғу тошда ким нима килади?! Яна аёл киши... Шундай туюлди, шекилли, деб уйлади у. Ановлар ҳар балони валдираб, бунням юрагини олдирб қўйишди. Энди дарахт ҳам кузига одамга ухшаб куринаяпти... Недараза...

Асилбек шу хаёллар билан йулида давом этди. Аммо негадир этлари жимирилаб, соchlари ҳам тикка гурғандай туюлди, узига. «Ҳозир, ҳозир нимадир булади?» деб уйлади у. Ва яна... бир узи кетмаётгандек туюлди. Ҳа, кимдир унга изма-из эргашиб келаяпти... Фақат, орқага утирилган пайтда узини дарахт панасига оляпти, шекилли-да... Асилбек ортига утирилмасликка аҳд килди. Ким булсаям... қарамайман! Нима булса булар? Жуда борса жонини олар, нима қиласарди? Кимгаям керак унинг жони? Шундай пайтлар булган, турмада ётганида...

«Жонимни ол, Худойим!» деб украб йиғлаган. Лекин... «жонинг ўзингга сийлов» дегандай без қотган дунё пинагини ҳам бузмаган. Энди нимадан қурксин...

Уйига яқинлашиб қолганидан кунгли ёришиди. Аммо чироклари ёқилмаган, бир ёни бузиб упирилган, кулранг бинонинг туриши хунук эди. Ҳар не қилганда ҳам урганган, куниккан уйи. Икки кун япади, балоям урмади-ку... Аммо дарё буйидан кутарилиб, ҳовлига етиб келганида бир шарпа уртада тогдай уюлган шлакблоклар ортига яширингандай булди. Асилбек чопиб бориб гишплар ортига куз ташлади. Ҳеч ким йўк...

Шитоб билан юриб, бүм-бүш ҳувиллаб ётган хоналарни қараб чиқди. Йук, хеч нима топмади. Кейин уз ахволи узига нашъя килиб хохолаб кулди. Умивальникда ювиниб ётди...

Қачон кузи илинганини билмайди... Ярим тунда уз-узидан уйгониб кетди.

Хона бурчагида чунқайиб бирор утиради. Олдида катта жомадони ҳам бор... Асилбек атроф коронги булгани учун илкис унинг кимлигини ҳам, нималигини ҳам англай олмади. Бир фурсат утиб, кузи равшанлашди. У... Холидани ташиди. Ҳа, у уйда киядиган лозим-куйлагида эди. Совук еган шекилли, елкасига узи тукиган шол румолини ташлаб олибди.

Уша-уша чиройли, мутлақо узгармаган. «Туш куряпман, – деб уйлади Асилбек. – Ҳадеб, шу ҳақда уйлайверганим учун тушимга кирайти ...» Ажаб, утириши ғалати эди. Чунқайиб олган, олдида жомадони, нима қилишини билмай, агрофга ҳайрон бокиб утирибди. Ҳа, тушга шунақа бемаъни нарсалар кирали. Ҳозир... у бу нарсани олиб, унга огади. Шунда, у куздан ғойиб булса керак, тасвир учгани каби. У кули билан пайнасланиб, нарса излади. Аммо отишіга улгурмади. Шарпа урнидан туриб унга яқинлашди. Холида Асилбекка томон энгашиб кулди:

– Вой, уйқучи-ей, шунчалик ҳам ухлайсизми? – унинг нафасини яқиндан туйиб, Асилбек ғалати булиб кетди. Тушими бу, үнгими?! Айниқса, Холида якин келганида унинг пешонасидаги қотиб улгурмаган яраны куриб юраги шувиллаб кетди. Күзлари каттариб, унга нафас етишмай қолди. Худди қирғокка отилған балиқдай оғзини кала-кала очиб ҳаво ютди. «Бу туш!» дея узига-узи таъкидләди у.

Аммо беихтиёр Холидага савол берди.

– Қачон келдинг? – буни сұради-ю, аммо саволи узига нашъа қилди. Ахмоқона савол.

– Ҳозиргина... – секин жавоб қилди у. – Эшик очик экан, кириб келавердим.

– Ҳа, эшик... Бу ерда эшикларнинг узи йүк-ку?

– Нима, ногұтры қилибманми? – лабларини чуччайтирди аёл ва әғилиб Асилбекни упди.

Йигит қуркқанидан уни итариб ташламокчи булди-ю, узини тутди. Холида ҳам ҳеч нимага тушунмай орқа а тисланди ва ҳайрон булиб деди:

– Мени согинмадингизми?

Асилбек нима деб жавоб беришini билмай, дудукланди.

– Нега энди?... Согинганман! – деди у ва миясида бунинг, бу манзаранинг туш эмаслиги ҳакида үйлай бошлади... Ахир қандай қилиб? Ақлга сигмайди бу. Бу дахшат зди.

– Чарчадим? Ёта қолсамми? – ииманғандай сурал хотини.

– Ҳа-я, ётишинг керак? Йүлда чарчагансан? – Холида бошлаган уйинни давом эттириб деди Асилбек.

Аёл худди ҳеч нима булмагандай, гүё кечагина эри билан хайлыштан каби Асилбекпинг ёнига чузилди. Осмонга қараб ётди. Йигит эса юраги қинидан чиккудай уриб, воқеа нима билан тугашини кутар, ногаҳонда пайдо булған хотинига қандай муомала килишни билмасди.

– Уйқум келмаяпти! – зорланди Холида. – Бирон ёққа борсам, доим шунақа булади. Туни билан ухломай чиқаман...

Асилбек индамади. Кейин Холида томонға

утирилиб, пешонасидаги ярани ушлаб курди. Күлига қон юқди-ю, яна юраги алшант-талпант уриб кетди.

— Нешонанға нима килди? — суради у юрак ютиб.

— Э, келаёттганда шох тилиб юборди, улсин! — деди Холида кузларини пирпиратиб. Хотини алдаса ёки узи билмаган нарса ҳакида гапирса, шунака киларди. Гапни ёки «канака» деб бошларди, ё булмаса ҳозиргидай кузлари пирпиарди.

— Ухла..., — деди Асилбек ва узи үрнидан туриб, ташкарига чыкди. «Хөвлидаги тахта кароватда ётаман!» деб үйлади у. Ташкарига чиксам уйғониб кетаман, деб үйлаганди, аммо бунақа булмади. Умивальникка бориб юзларини ювди ҳам ҳеч нима узгармади. У Холида ёттан хонага бир караб күйди-да, кароватдаги юпқа курпача устига чузила қолди.

Тонг бузарыб келаёттганди. Аллакаерда хуроз кичкирди. Шу пайт салқын шабада эсиб, Асилбекни сескантариб юборди. Эрталаб уйғонганимда ҳаммаси гойиб булади, деб умид килди у.

Бошқа пайт булганида кузига уйқу инмасди-я, аммо азбаройи чарчаганидан қотиб ухлаб қолди. Алғ-чаюғ туш ҳам курибди. Тушида уни бирор кувлаёттганиш. Чопаман, деб уринармиш-е, оёклари узига буйсунмасмиш. Худди сувла юргандек секин ҳаракат килармиш. Боз устига күзига күөш тушиб, ҳеч нимани куролмасмиш. Қаёкка чопаёттганини билмай юғурди-ю, туби йүк жарликка кулай бошлади. Додлаб юборди. У жарлықдан кура, унинг туби йүклигидан күркди. Зулмат чирмаган тубсизликка қулайвериш ва бу дахшат ҳеч қачон тугамаслигини билиш одамни жинни килиб күяди-ку! Асилбек уз овозидан узи уйғониб кегди. Қараса, кун нак пешонасида чараклаб

турибди-да! Кузи қамашиб, юзини кафти билан түсіб олди. Асилбек туриб утирди, бопини күллари билан чангаллади. Илкис, нега бу ерда ёттанини тушунмади. Кейин тунги воқеаларни эслаб, юраги шув этиб кетди. Ромсиз деразаси коп-корайиб турған уй ичига караб қуиди.

Умуман, чор-атроф, анави ҳайбатли тоғ кузига хунук куринди. Бу гилсиз мавжудот ундан нима истайди, узи. Ундан яширган қандай сири бор-а! Улган одам ёніга кеб утирса, яна нега бу ерда юрганига узи тушунмаса?! Эй, дунё, қандай тушунарсиз, мавхұм дунё бу. Күм-күк осмонга қадар буй чузған, бошиға оппокқина қор дүппи кийған, ён-бағрида гиёхлар үнгән ана шу тоғлар, кулу адирлар четдан қараганда жуда беозор. Аммо буларнинг бари бирлашиб, инсониятта карши тил бириктірса-чи, исён қылса-чи?

Асилбек булар ҳақида уйламасди. У бунга қолиди змасди. У тунда Холидани күрганини уйларди. Тушида булдими вөксалар, ўнгидами, билолмаёттанди. «Шу даражадаям ичадими, всай, – дея Асилбек сүкініб қуиди. – Ичкарида хотини ёттан булса-я?!» Бу фикрлан курканидан жиққа терга ботди. Кейин Дилшод-ға «ажиналаринг мендан курқсан» деб мушакларини үйненнанни эслади. Уалиб кетди. «Шундан қурқсанг, сен қанака мужиксан!» деди-ю, урнидан даст туриб, ичкари хонага утди. Аввал эшик кесакисидан ичкарига муралади. Курна очилған. ёстиқлари гижим, аммо хеч ким йүк зди.

Уз ахволи узига нашъя қилиб шарақлаб күлиб юборди. Хонага кирди-да, курпани тортди. Шу дам Холида ёттан ёстиқдаги икки томчи қон дөгінни курди-ю. кузлари каттариб ёстиқни қулига

олиб қаради. Бармоги билан пайнаслаб курди. Ҳа-кон! Қотиб қолган кон доги эди. Юраги «шув» этиб, короватта утириб қолди. Ҳолиданинг пешонаси қонаганини уз кузлари билан курди-ку! Шох тилиб юборди, деди у. Йук, шундаям ишонгиси келмади. Ҷоши қараҳт ҳонадан чикди-ю, қулига кузгу олиб, аксига қаради. Соколи чақиртика нақдай усив кеттән, кузлари бежо, бирор курса куркади ған ахволда эди. Тагинам... Дилшод келаянти экан-да, куркмабди яна-ям.

Юзида тилингән из йук. У кулларини ҳам текшириб курди. Ҳа, ана тирсагида бор экан. Тунов куни чиқиб турган арматурага уриб олғанди. Буни куриб Асилбекининг күнгли ёришди. Қуркқанга күш куринади, деганилари шу-да, асли. Ёстиқдаги кон доги илгари ҳам булғану у эътибор қилмаган, факат. Кечаги voxaga буям далил-исботдай, қаранг! Шорасул билан ҳам худди шунақа булған, шекилли. Бу «стройка» да канча одам ишлаган, ахир. Бирор чеккан «Беломорканал»ни у топиб олиб, алжиб юрибди.

Асилбек килгаң янгилигидан хурсанд, апил-тапил чой ичиб, ишга киришди. Орада ёстик жилдини ечиб, сувга букириб күйди. Дилшод негадир кечикаётганди. «Келмаса-я?!» хавотирланиб уйлади Асилбек. Кейин «одамга ухшаш учун» қайнок сув олиб, «чакалакзор» булиб кеттән соқолини киртишлади. Орада букирилган ёстик жилдини ювиб илиб күйди. Энди, кулинини ювиб, ион-пон еб олсаммикин, деб турганди Дилшод чакириб қолди.

– Бек аков, шу ердамисиз?

– Э, Ҷилшодбек, бормисап, оғайни?

Дилшод иссикдан терлаб кетгән, қулидаги халта-

сипи, шошиб-пишиб кароватга күйди.

— Шағал кеп қолди. Ташиб күя қолай деб кеч қолдым-да, ака. Фақат урупманг. Охири булмади. Бек акам абедга қушиб маниям сб юбормасинлар, деб чопдим бу ёққа!

Улар шараклатиб қул ташлаб куришишди. Дилшод соколлари киртишланган акасини куриб анграйди:

— Тинчмисиз ишқилиб? — Асилбекнинг юзига сиповчан назар ташларкан сўради Дилшод.

— Мазангиз йўқми, кўзларини из ковжираб қонти.

— Э! — деди Асилбек халтадаги нарсаларни олиб. — Кеча... купайиб кетибди-ю, ука! «Стоп» демайсанми. оғайничалиш. Сани қидириб пансионатга борибман, кечқурун. Борсам, йўқсан! Битта қиз минан танишиб келдим, Зарнигор деган, — қувлик билан деди Асилбек.

— Зарнигор дейсизми? Ҳмм... ким экан у? Янги келганмикин?

— Шуни суриштириб бер, ука.

— Шунақа, жа чиройли эканми?

— Ву! — бошмалдогини кериб курсатди Асилбек. — Лекин сал... ғалатироқ экан-да, шу. Қизиқиб қолдим.

— Ғалатирогини нима қиласиз? Оддийси яхши, бошингиз оғримайди.

— Ғалатироги билан зерикмайсан-да, брат. А так сузилиб утиришини томоша қиласанми? Ғалатисининг мазаси ҳам бошқача булади-да!

Икковлари қийқириб қул ташлашишди. Дилшод ҳам хурсанд, қизлар борасида «раҳнамо» тоғганидан.

Биргалашиб дастурхон ёзиб, овқатларни сузуб тушлик қила бошлишди.

— Э ука, кеча нима воқеалар булганини сан билмайсан-да, ух!

– Нима, уша қизни бошлаб келдингизми, дейман. Ана, ёстиқ жилдиям ювилибди-ку!

Асилбек қийкириб кулди. Дилшоднинг бошига шапатилаб урди.

– Ёмон кув бола экансан-ку! Аммо обкелсам ёмон булмасди. Якинда ёғизликдан итдай увилласам керак. Кеча қайтаётіанимда изимдан одам түшсами... Оркага карайман, хеч зоғ йук. Илдамлашим билан ё орқада шох синади, ё бирор «оҳ» уради. Дилшод ука курқаркансан-э... оркамга қарамай кочдим. Етмаганига бир совуқ туш курибман, де. Раҳматли хотиним келганмиш. Улган одам ёнингта келиб ётса, .. тасавур кил, ука, қай ахволга түшасан...

Дилшоднинг кузларида курқув аксланди. Аммо гапирсам, яна кулгуга коламан, деб индамади.

– Курқанга күш кулингани шу-да, унинг пешонаси қонаётганмиш. Нима қилди, деб сурасам, шох тилиб юборди. дейди. Кулим билан пайпасласам, ростдан қонаяпти-да! Туш кураяпман, демайман, худди ростдан булаёттандай, ҳовлига қочиб чикиб шұтта ухлабман. Эрталаб кириб карасам, хеч зоғ йук, урин бүм-бүш. Аммо ёстиқ жилдига томган қонни куриб, эс-песим чиқиб кетди! Тағинам ишонмадим, карасам, тирсагим тилинибли. Шунинг қони юққан. Ман дурак, сал қолса, Шорасул аканғдай жинни булардим. Ана, ювиб осиб күйтим. Санларам гапировуриб, вос-вос килиб күйліларинг. Манави, – тирсагига имо қилди Асилбек, – ажина бүп чиқди!

Дилшод ичкаридаги хонага, бүекқа келиб илк марта соқолини олган акасига хавотирли қараб күйди. Иштаҳаси бүгилди. Бахтиёр aka айтған гапни айтсамми-айтмасамми, деб уйлади. Шу пайт Асилбекнинг үзи бундан гап очди:

— Бахтиер акангдан дарак йүкми? Фалати одам экан. Хавотирам олмайды, мижозлари хам келмади, шлакоблокни олишга. Ҳовли тулиб кетди, бушатиш керак. Төғ-тошга бир үзимни ташлади, — кетди...

— Кеча тилпон килувдилар, — деди Дилшод күзларини олиб қочиб. — Яңганинг укаси тусатдан казо килганмиш. Шунга... сабр киб турсин, бир-икки кунда чиқиб қоламан, дедилар. Унга... ёрдамлашиб тур, дедилар менга!

— Вой, писмиғ-ей, шунча гап боракану, ичингда сақлаганингни қара! Уша заҳоти чопиб келмайсанми? Бу бұлса пансионатдан хам қочиб юборған.

Дилшод нима дейиши билмай айбдорона ерга каради.

— Ана ҳақиқат боракан-у! Бу булса... бугун қоласанми энди? — жонланди Асилбек ҳам.

— Э, шуни айтувдим, энам бобиллаб берди. Бовангни биласану, деб унамаяпты. Ана Асилвой акам, бир хафта ушатда туриб, балоям урмади, дедим. Одамнинг үзига боглик, дедим. Аммо... онам битта гапда турволған. Мани улдириб кейин кет, деди. Кундузига майламиш, қолишга «йўқ» деялти, кўркаяпти. Сал шаштларидан тушсалар, қоладиган буп келаман. Унга-ча амаллаб гурасиз-да! Дилшод идиш-товоркин ювди, акасига сал қарашгандай булди, кейин кетди. Асилбек ҳам астойдил ишлади. Одам ёлгизликда фақат хаёл сураркан. Баъзида үзига узи гапираётганини хам сезиб коларди. Ана Бахтиёр aka бунга қарашиб дебди, у булса, кетворди. Нима қилсин, онаси куймаса...

Куч бор, гайрат бор, аммо ишлагиси йўқ. Шериги булмагани учун, мақсад ҳам йўқ. Ҳа, пулни яхши куради, лекин бунака тогу тошда пул деган нарса маъ-

посини йуқотади, айникса. ёлғизликда. Шунда ҳам у узини мажбурлаб ишләяпти. Орада бир настта тушиб чўмилиб келади. радио қуяди, ишқилиб-да, куни утади.

Асилбек үзича Дилюшодга жой ҳозирлаб кўйди. Уз каровати ёнига Шорасулникини олиб кирди. Ҳовлидаги тахта кароватни ҳам йигиштириб, тартибли қилиб кўйди. Шу шлакоблок кетса, ҳовли юзи анча очиларди, деб ўйлади у. Кейин шом тушиб қолганини куриб суюнди.

Куёш осмонда қонталаш чамбарак ясади-ю, бузариб ботди. Атрофига ҳам салқин тушиб, ёқимли шабада эсди. Ҳовли саҳнида қурбақалар сакрай бошлилади. Бу унга болалигини эслатди. Болалигига уларнинг уйида ҳам қурбақалар сакрарди. Ушандаям дийдаси каттиқ, худобезори эди. Қурбақаларни тутволиб, оёғидан осар, ичини чавақларди. Шундан нима ҳузур курибди, ҳайрон. Энди эса буларни куриб, завқланади. Билмаган экан-да, қурбақаларнинг кузида мунг борлигини. Тилсим жонзот буям. Асилбек уз фикридан узи ҳайрон булди. Олдидаң сакраб утган қурбақанинг кўзига тикилиб каради. Ақллига ухшайдими? Кейин уз-узидан кулди. Яқинда у тошларниям жони бор, дейди. Ана, авлиёлар нега чилла утиришган?! Чилла утириб, ҳайвоопларнинг тилини тушунишган, сув юзасида юришган. Мана бунинг сири нимада. Одам ёлғиз қолса, эриб кетаётганга ухшайди. Шу тогларам бир, уям бир булади...

Асилбекнинг ичкарида ётгиси келмади. Қоронгида узи оддий нарсаем маҳобатли, туюлади. Энди ярми вайрона-ю, оғзи очик, қанқайган уини қоронгида бир тасаввур қилинг. Шаббодада шитирлаган барглар ҳам,

хов тогда ғалати сайраган күш ҳам одамнинг юрагига ваҳм солади. Шундай ёса-да, Асилбекнинг эркак деған номи бор. Агар шунданам куркса, анави хажи қиздан нима фарки қолади, энди. У атрофдаги киши билмас таҳлидни писанд килмасликка уруниб, ичкари кирди. Үрнини пигиштириб, ташқарига олиб чикди. Аммо ховлига утаётib, оркасила гув этиб гулхан ёнганини курди. У шарғта ортига бурилиб қаради. Кичик гулханча кузни камаштириб ёдуланди-ю, учди. Шунда ҳам буни тан олгиси келмади. Ҳа... уша ёқда ойна парчаси булса, чирок тушиб, нурланди шекилли-да, деб уйлади у. Барибир юрағи бир оз гаш тортди.

Гун бошланмади, аммо... Ҳалитдан мана бунақанги уйинлар... кимсан, нимасан деб суролмаса, сурасаям, уларға бир тийин...

«Улар тунда келишармикин?!» – деб уйлади у. Бу фикрдан юрши уриб кетди. Ҳолида яна келса-я, пешонасидаги қонини оқизиб! Даҳнат. Эси бутун одамнинг ҳам жинниси чиқади. Ҳа, буёги бир гапли булар. Шунине учун ҳам бей уни танлаган. Зек, балодан ҳам куркмайди, деб уйлаган. У худди қафасга тушган ҳайвон каби чорасиз эди. Уғил боланинг сузини берди-ку, уша олифта бейга! Энди мажбур... Бир чеккаси Шорасулга ухшаб, ҳамма нарсаға тупуриб, пуллиям керакмас, деб кетворсамми, деб ҳам уйлади, лекин... пул ҳам ширин туюлди. Ахир уям жигардан булған-да, вей! Ким унга шунча ҳақ тулайди. «Чидайман. – деб уйлади у. – Чидашим керак!» У умивальникда ювиниб-тараниб ётди. Анча пайтгача шамалоқдай юлдузлар гужгон уйнаган осмонни томоша қилди. Бу орада бир-иккита юлдуз учди. Баъзилари тепа-пастта тушиб уйнай бонилади... Асилбек умрида

бунақанги күп іолдузғы осмонни күрмаганди. Чегарасиз, тубсиз, тушунарсиз само бу. Нече миллиард йиллардан бери шу ахвол турған булса керак. Миллиард йил-а, тасаввурға сіргмайди, ҳатто. Ҳамма нарса та-көрләнәди, тугамайди, йүк булмайди... Ўлса-да, одам ҳам йүк булмас балки. Эй, Аллоҳ қанчалар тушунисиз бу дүнё, узинг асра ишқилиб! Асилбек күзларини юмиб, калима қайтара бошлади. Чурилдоқлар хиргойиси кучайиб, аллақаерда бурими, итми уви-лади. Асилбек бир хурсинди-ю, ёнбошига угирилиб ётди. Бир калима қайтариб, бир «уф» тортиб, ахийри ухлаб қолди. Қанча ухлаганини билмайди, ичкарида нимадир қарсылади-ю, у чучиб уйғониб кетди. Сим кароват гилдираб юргандай бўлди. Асилбек уша томонга хавотирли қараб куйди. Яна сукунатга қулоқ тутди. Чиндан ҳам худди бирор кароватни у ёқдан бу ёкка судрастганга ухшарди.

– Ҳой, ким бор? – овоз берди Асилбек ва урнидан гуриб утирди. Кўзлари чақчайиб уй томонга қаради. «Лайик-пайик бўлса-я!» Бу фикрдан юраги гупиллаб уриб кетди. Қулига дастурхондаги темир капгирни олиб, узича қуролланган бўлди.

Ичкарида яна нимадир ағдарилди. Фанер... у ёт-майдиган иккинчи хонада фанер бор эди... Назарида шу қулади-ёв, ичкаридан лопишилаб чанг кўтарилиди. Коронғидаям билинди-я, шу... Энди Асилбек ётолмади. Шаҳд билан ўрнидан туриб кетди. «Ўғри түшди-ёв! – деб ўйлади у бу сафар, – фанерга келганмикин?!»

– Ҳой, кимсан, чиқ буёкка. дабдалангни чиқараман! – бакирди Асилбек. Ҳеч ким овоз бермади. Аммо қадам товушлари аник эшигита бошлади. Шалп-шулп, шалп-шулп... ичкаридан бирор чикиб

келди... Остонада қизғиш күйлакли бир аёл пайдо бұлды. Асилбек коронгидә дабдурустдан үнинг кимлигіннің англай олмады. Үша томонға тикилиб қаради-ю, ток ургандай бадани жимирлаб кетди. Бу Холида-ку! Астағириуллох, деб юборди у. Кулидаги капгири таранлаб ерга тушди. күзлари чакчайиб аёл томонға қаради. Янами, яна үша бемаңни түшми? Иигит жон ҳолатда юз-күзларини пайпаслади, үзини чимчилаб курди, йүк сезаяпти, ҳаммасини... Субхоноллох, деди у ичида. Үнгіда булағитими?!

Асилбек харсиллаб нафас олганча ортига тисарылди...

Оркаси билан юргани учун кароватға қоқилиб үтириб қолди. Күзларини юміб очди ҳам, ҳеч нима узгармади. Холида кечаги қизғиш лозим-күйлагида, бошини бир ёкқа әттан күйи у томон юриб келаётганди. У яқинлашғани сайин юраги күкрагини ёриб чикқудай ура бошлади. Асилбек кароват четини пайпаслади-да, уни маҳкам қисиб ушлаб олди. Бильакс, хотиржам ва матьсума куринган Холида үнга қараб жилмайшыга уринди. Үнинг пешонасидаги яраси яққол күзга ташланди.

— Үлсін, — деди у күзларини пирпиратиб, юзиға гүшган бир тутам сочини қулоги орқасига кистириаркан.

— Ичкарида ҳеч ухлолмаяпман. Кечаем шунака булувди...

Асилбек ҳамон үнга бакрайғанча турарди, нима дейишніям, нима қилишніям билмай тайсалланарди.

— Н... ниммага келдинг? — улған одам билан гаплашаётгани үзігің нашъа қилиб, ғалати ахволда суради иигит. — Сенға нима керак узи?

Холида унга ялт этиб, қаради-да:

– Бу нима деганингиз? – деди чинакамига упкаланиб. – Нима, келганим ёмон бўптими?

Асилбек унга ўқрайиб қаради. «Қайси тўрдан, қандай қилиб келяпсан», деб бақириб ташламоқчи булди-ю, узини босди. Куй оғзидан чўп олмаган одамдай беозоргина турган хотинидан гашланиб, баттаррок тувақди.

– Стройкада пишириб қўйибдими?! – деб вишиллади у кароватга чиқиб утиаркан.

Холида айб қилиб қўйган боладай бошини эгди. Кейин ҳовлидаги кароват четига оҳиста чўқди-да.

– Дадаси... чиройли жойлар экан-а, қаранг, – деди гапни чағитиб. – Тепада кул ҳам боракан, курдингизми? Баликлари мана шундай келади, – деди у қулочини ёйиб курсатиб.

Асилбек уни зимдан кузатар ва бутун вужуди мунитдай тугилиб, фавқулодда ҳолатни англашга, ўзини унга монанд равишда идора килишга уринарди. Тавба, балиқлари шундайлигини қаёқдан кўрибди, у.

– Сиз... мани уришасиз. Сардорниям олиб келмоқчийдим, онам бермадилар. Куй, тоғ-тошда болқондай болани кутариб нима зарил, дедилар... Сал каттароқ бўлсин эмиси...

Буни эшишиб Асилбек хотинига ҳайратланиб қаради. Аммо шубҳа-гумонларини ичига «қулт» этиб ютишга тўғри келди. Ҳемак... у утмишда, бундан ўн йил аввалги замонда «яшаяпти» экан-да! Боласининг катта бўлиб кетағанини билмайди ҳам. Ким бу? Нима ўзи, номаълум... Муддаоси ундан ҳам мавхум.

– Бу ерни қандай топиб келдинг? Бирор айтдими, мани шу ердалигимни? – унинг кўзларига қаттиқ тикилганча суради Асилбек.

Холида нима дейишини билмай, бир яхза каловланиб колди. Кейин:

— Самад огайнингиз бор-ку, уша айтди, — деди саволга жавоб топганидан хурсанд булиб. — Йулниям... тушунтириб берди. Лекин... қандай қилиб келганимни эслай олмайман. Ухлаб келгандирман-да, — узини изза қилиб кулди Холида. Ҳаммаси равшан эди. Самад деганларн алақачон оиласи билан чет злга кучиб кетганди. Зеро, унині бу ердалигини Нұрмат жиянидан булак ҳеч ким билмасди. Албатта, ота-онаси Тошкентда мардикорчилик қилиб юрганидан хабардор, аммо айнан қаерда ва кимницида ишлаётганидан бехабар эдилар.

Бу ерда қандайлыр англашилмовчилик бор. Албатта, у арвоҳ ҳам эмас. Унда... унда ким?!

Асилбек секин пичирлаб ичиде калима қайтара бошлади ва бу аёлга қандай таъсир килаётганини узича кузаттан булди. Йүк... у қилча ҳам узгармади. Кетишни хаёлига ҳам келтирмаётпанди. Аммо у бары-бар кетади. Кундузи қаекқадир гум буляяпты-ку!

Холида қароватда оёғини осилтириб утирада ахён-аҳенда у томоні а қараб күярди.

— Галатисиз? — деди Холида унга ҳайрон қаараркан. — Нега мендан узині изни олиб қочаяпсиз? Куркайпсизми, ирганяпсизми, тушунмаяпман. Кечаям ховлида ухлаған эдингиз?

Асилбек унга нима деб жавоб беришни билмасди. Шунинг учун саволга савол билан жавоб килди.

— Узинг-чи, узинг нима деб үйлайсан?

— Менми..., — Холида үйланиб қолди. — Мен... бошим қараҳт, ичим бүм-бүш. Баъзида... авария булғанмиканман. деб үйлаб қоламан. Ҳеч нимани эслай олмайман.

– Ростданам ҳеч нарса эсингда йүкми? – унга синовчан тикилиб сүради Асилбек. Холида инкор маъносида бошини сарак-сарак киёди.

– Қаранг? – пешонасини унга курсатди Холида.
– Йиқилғанман шекилли-да! Сиз биласиз, аммо менга айтмаяпсиз. Менга нима булган? Тұгрисини айтинг! – Асилбек Холиданинг нигохига дош беролмай күзларини олиб қочди. Хүш, унга нима деб жавоб қылсын? Сенинг кимлигингни билмайман десинми ёки сен улгансан десинми?! Ҳақиқатга тұғри келадими шу? Бир тарафдан у ростдан ҳам билмасмikan буни? Қанийди, узини кийнаган саволларини беролсайди... Лекин унга ҳамма нарсани айтиб булмайди. Эхтиёт булиш керак.

Орага ұтмған жимликдан сунг Асилбек оғир хурсиниб деди:

– Ҳа. Йиқилғансан!

– Узимам шундай деб үйловдим, – Холида енгил тортғандай булди. – Шу, балнисада ётганимниям эслай отмайман. Үфф! – у құлларини оёқтарига шапатилаб урди. – Сиқилиб кетаямман. Юринг, бир айланиб келайлик! – деди Холида ялинчоқтык билан. Асилбек сергак тортди.

– Мен ухлашим керак, ишім оғир! – деди у пинақ бузмай.

– Үнда юринг ухлаймиз! – деди Холида ёш кизчалардай кароватдан сакраб тушаркан. Асилбек ялғ этиб унга қаради. Унинг бу қишиғи хотинига сира ушшамасди. Аммо аёл шу турғанча котиб қолди. Асилбек унга хавотирли назар ташлади. Холида кийим иладиган дорга ғазаб билан тикилиб турарди. Бу ахвол бир муддат давом этди. Кейип у жаҳд билан юриб

борди-да, дордаги боя Асилбек илиб күйган ёстик жилдини «шир» этиб юлиб олди.

– Нима бу?! – газабдан титраб сурати Холида. – Бу нима деб сураяпман!

Асилбекнинг энсаси котди. Унинг қулидагига эътибор ҳам килмай:

– Ёстик жилди. – деди беписанд.

– Ростданми?! – Холиданинг газабдан лаблари кийшайиб кетди. – Қаранг-а, ёстик жилдининг каптархонасиям боракан!

Шундагина йигит унинг қулидаги нарсага эътибор килди. Холида кизил аёллар ич кийими билан шу рангдаги сийнабандни кул учиди ушлаб турурди. Буни куриб. Асилбек тамоман узини йукотиб күйди. Кузлари каттариб, уринидан туриб кетди. Нималар булаётганига ҳарчанд уринса-да, тушунолмади.

– Ахир бу... Қандай қилиб?

Холида захар босиб, бошини таҳдидли ликиллатди.

– Ҳмм... бу бирон сеҳргарнинг ишидир-да, жилдингизни куф-суфлаб, ич кийимга айлантириб қўйгаи?

Асилбек ишонкирамай кароватдан пастта тушди, аёлнинг қулига синчиктаб қаради. Ростданам уша ... Унинг ҳаётини алғов-далғов қилиб юборган аёллар ич кийими! Холида эса уни биринчи марта кураёттандек:

– Қайси қанжикники бу? – деб сурати кузлари олайиб.

Йигит унинг гапларини эшитмади ҳам. У юраги потирлаб урганча кочишга беховотир жой изларди. Яна ҳам уйкусизликдан боши тошдай оғир, қовокларн ачишиб оғриётганди. Бу ахволда у уйлолмасди.

– Энди билдим, нега мендан кочиб юрганингиз-

ни? Бунга ҳаппи-ҳалол хотили эмас, бир бузукнинг кети керак! – чинкирди у яна. – Эркак булсанг гапир... зигирча виждонинг булса гапир... – Холида у томон хезланиб кела бошлади. Асилбек ортига тисарилди...

– Ҳа, нега индамайсиз? Индамайгина енгаман деб уйляяпсизми? Шунга жириллаётган экансиз-да! Шунгами, ковоқ-тумшук, гапириңг...

Холида жазавада қулидагини шарт-шурт йиртиб, Асилбекнинг башарасига отди: – Бузуки! – Холида эри узини унглаб олмасдан юзига шапалоқ туширдики, девдай йигит гандираклаб кетсами? У юзини ушлаганча, ҳайрат билан Холидага қаради. Аёл эса тинчий демасди. Унинг соchlарига, юзларига чанг соларди. Асилбек ундан кутулмоқ илинжида ҳовли орқасига караб қочди. Аёл эса унга елимшакдак ёнишиб олган, оғзидан тупук сачратиб, лаблари қийшайиб уни юмдалашда давом этарди. Асилбекка уйлаб олишга, ўзини идора килишга имкон бермасди ва улар ҳовлидан узоклашиб, тепага, тепадаги кулга томон кетиб боришарди. Аёлнинг тирноклари ханжардай ботарди, жонжонини зириллатарди.

– Бас қил, дедим, басс!!! – бақирди Асилбек Холиданинг қулларини орқасига қайришга уруниб. Аммо аёл яна уни танг қолдириб, Асилбекнинг метин қулларидан осонгина бушалиб чиқди. Унинг юзларida зурикиш аломатлари сезилмасди ҳам. Шундагина Асилбек, кўлга кетаверишда жар бўйида гурганини англади. Холида уни нега бу ерга олиб келганини дарров тушуниди.

– Мен, – деди Холида қатъий килиб, – эрини бирорвлар билан бўлишадиган хотин эмасман! – шундай дея аёл уни бир итарганди. Асилбек мункиб кетиб.

йикилди-ю, жарлик узра муаллак осилиб қолди. Жон аччиғида кулларини тупроққа ботириб, жарлик деворига епишди. Оёклари билан типирлаб, тирмашиш-га жой излади. Бу пайтда Холида унга қаҳрли тикилганча, у томонга бир-бир босиб келаётганди. Буни куриб куркқанидан нафас ололмай қолди. У оғзини капа-капа очиб, ҳаво ютар, аммо уша ҳаво упкасигача стиб бормасди. Йигит аёлнинг у томон келаёттанини куриб, ихраб инграб, эмаклаб булса-да, гепага чикиб олди ва уша захотиёқ Холиданинг томокларига ёпишиди. Аёлнинг ошюк юзини, узи неча бор силаб эркалаган, суктаниб тикилган камон қошларини ой сруғида курди. Аммо бундан кунгли юмшамади. У бу қадар гузал, бу қадар мулхиш ғаним билан олишмаганди. Йигит жони борича, унинг томокларини омбурдай кисди. Токи, аёлнинг боши ёнига шилк этиб тушмагунича, тишларини гижирлатиб, куч билан буаверди. Ниҳоят, аёлнинг жасади жонсиздай шалвираб қолди. Асилбек нимани, кимни улдирганини билмай ҳам, уни жарликка иғарип юборди ва йулига кетди. Унинг ортидан қулокларни батанг қылғувчи каттиқ чинкирик эшитилди, атрофга акс-садо бериб, куркинчли ихради-ю, тинди. Оламга сукунат чумди.

Аммо Асилбекнинг юраги ҳамон гүпиллаб уарди. Кунглини кандайдир палид ғашлик, нохуш туйгу камраб олганди. Бундан кунгли айнирди. «Мен уни улдирдим! – деб унлади у. – Илгари килмаган булсам ҳам, ана, ана энди қулларим кон...» У кафтларини ёзип, бармокларининг унг-сулинин томошасы килди. Қуллари конталаш, гирналиб ётарли. Йук, бу тирнок излари одамники эмасди?!

Асилбек, чарчаған, гариб бир ахвозда гоҳ тойиниб.

ерни алпанг-талпанг босиб уйга яқинлашди. Назарида ҳар бурчакдан Холида чиқиб келаётганга үхшаб туюлаверди...

Иигит келиб, юзларини ювди. Умивальник ёнида турган бир чөлак сувни уйлаб ҳам утирмай устидан «шарр» этиб куйиб юборди. Сесканиб узига келдида, ювингич тепасида турган кичкина ойнага қаради. Юзлари ҳам тилиниб кетибли... Корнида ҳам чуқур тирнок излари бор, у ердан қон оқаётганди. Асилбек уйга кириб, йод олиб чиқди ва йул-йулакай Холида ётган кароватга куз ташлашни ҳам унутмади. Урин бумбуш эди.

У ҳовлидаги кароватга чиқиб, қорнидаги, юзкулларидаги ярасига жазиллатиб йод суртди. Ачиш масин деб устидан пух-пухлади. Шу пайт қуполлик килиб, йод шиша часини бехосдан туртиб юборди-ю, унинг қопқоги ерга тушиб, шилдираб кетди. Кетидан чопиб бориб қопқокни олди. У билан қулига нимадир илакишиб чиқди. Очиб қаради. Мато парчасими? Асилбек оёқ остига қаради. Ёстиқ жилдининг йиртилиб парча-парча булиб ётганини куриб ҳайрон колди ...

* * *

У уласси чарчаган, хеч нима ҳакида уйлашни истамасди. Бей, бекорга унга ойига 800 доллар вайда килмаган экан-да! Ҳаа... «Бир балоси булмаса, шудгорда куйрук на қилур...» деган экан машойихлар... Мана, Шорасул нимани курган? Армияда улган дустини курган ва унинг улимида қандайдир айби булган, бу аниқ. Шунга... курқкан, шоғолдай думини кисиб қочган. Ана сизга ҳақиқат!

Балки энди ҳаммаси тугагандир...

У ўлди-ку! Энди тинч ухласа ҳам булар... кутулди!
Илоё, рост булсин кутулгани. Энди тинчгина ишлов-
ради. Яхши булди.

Осмонга тикилиб ёттан Асилбекнинг кўзидаи
бир томчи ёш юмалаб тушди. У ёстикни юзига
босди-ю, хунграб йиглади. Утмишини эслабми ёки
жони омон қолганидан туликиб кетибми, номаълум.
Охирги марта у Холида ўлганида, бундан ун йил ав-
вал йиглаған эди. Қамоқда дийдасиям, юрагиям без
қотди. Йиглаш урнига хунук «ких-ких» лаб куладиган
одат чиқарганди. Йук, умуман у жабрдийда урнида
булишга йул куймасди. Муштумзур эди. Бу ерда ва-
зият бошқача, хеч нарса унга боғлик эмас. Буни у
аллақачон тушуниб етганди.

Аллакаерда хуроз кичқирди, тонгти қушлар чу-
ли-чули қилиб сайрай бошади. Шундагина Асилбек
уйқуга кетди. Худди кечагидай тонготар пайтида ух-
лаб колди.

Чошгоҳда, эшиқда бирор чакирганидагина уйғониб
кетди.

– Бек аков, уйдамисиз? – суради таниш овоз.

– Ха, келовур, ука! – овоз берди Асилбек ва ланж,
лоҳас бир аҳволда умивальникка борди. Чала-чулпа
ювиниб, ойнага каради.

– Ву, педараза! – сукинди у тирналиб кетган юзини
ойнада куриб. Ковоғи шишіган, буйинларида,
құлларида тирноқнингми, тишинингми излари
колганди.

Дилшод одатдагидек тур халтасини кароватта
күйиб, куришиш учун акасига юзланди. Аммо... Асил-
бекнинг бежалган юзини куриб котиб қолди.

– Вой буу, ака тинчликми? – деди у акасига якин келиб, афт-ангорига разм соларкан. – Бир гала бури билан олишдингизми, нима бало?!

– Э ука, күёвур... Хотишларнинг падарига лаънат! – сўкинди Асилбек елкасига сочиқ ташлаб кароватга чиқаркан.

– Ётибсизми? Мазайизам йўқ, шекилли...

– Аканг билсанг, бир улимдан қолди бугун! – деди у Дилшодга жилдий оҳангда. – Қол дедим-а, санга, комадинг! Ана энди ахвол. Муни кур..., – Асилбек унга қорнини очиб курсатди.

– Вой-бўй, бурими? Бурининг тирнок изи-ку, бу!

– Дилшод унинг ярасига яна бир бор куз солди. – Ботир ака деган чупонимизни бури талаган. Ушанда кургапман, бунақа изларни...

– Э... канака бури?! – гаши келди Асилбекнинг.

– Ҳар қалай, истиляга кизлардан қолмагандир, бу из...

– Билиб туриб, ўсмоқчилаисанми? Биласан, муни нималигини! Сан балони биласан. Кетаман, десам кетолмасам... Бир тийин пул йўқ. Анов Бахтиёр акангни «розиск»ка берсаммики?! Пул ширин экан, ука. Аммо жондан ширинмас... Жон кетса, пулни нима кераги бор, а? – Асилбек қих-қихлаб кулди-ю, уша заҳоти вой-войлаб қолди. Гилинган-шилинган ерлари оғриб кетди.

– Агар бугун қолсанг, нима булганини галириб бераман. Ким бўлсаям келмайдиган қиб юбордим...

Дилшод унга савол назари билан қаради. чойга уннади. Овқатни косаларга сузиб, узи ҳам тепага чикиб утирди. Бир фурсат жимгина тановул килишди. Асилбек иштаҳасиз овқат ер, ора-сира ихраб куярди.

– Духтирга куриңсангиз буларди? – унга ачиниб деди Дилшод. – Укол қилиш керак. Дамир духтириңинг уйи яқин, бориб кела қолайлык, – ялинди йигит.

– Духтирга бало борми?! Бури буганида бошқа гап эди...

– Барибир-да, эхтиёт-шарт. Бормасак булмайди. Энди, гапириңг нима булганини! Колсам, қолавураман, ака! Энамга уртогимникида әдим, дейман.

– Ҳа, яхши, маладес. Хуллас кечқурун, уйга киргим келмай, шу кароватда ётүвдим. Ичкарида галдир-гулдир бошланди. «Үгри түшди!» деб үйлабман. Бир бакирғандым, иккінчи хонадаги фанер гумбурлаб қуласами? Қулимга қалғырни олиб, ким булсаям, дабдаласини чиқараман, деб шаҳд билан пастта түшдим. Шу пайт ичкаридан кизил күйлак кийган бир аәл чикиб келса буладими? Хотиним! Ишонасанми?

– Кузингизга куриңган, ака! Ичмаганмидингиз?

– Э, грам ичганим йүқ... Уша тансага борган кунимдан бери. Онамми курдим-ку, узиям. Шуташланди-да, менга! Буримиш... – «хих» деб кулиб қүйди Асилбек. У Дилшодга ҳаммасини айтиб утирмади. Бола-ку, деб андиша килди. Нима энди «шалевага» юрганини ҳам айтиши керакми? Бу мишики әрқакни қаёқданам тушупсин!

– Одам-подамга ухшамайди, итдай талади, мени, – деди Асилбек. – Ахволимни кур. – Кейин қандок килиб, ҳув ердаги жарликка бориб колганимизни билмайман-да. Сал қолди, тушиб кетишимга, кейин, шу бүгдим, узини. Жарликка отдиму келдим...

Дилшод овқат ича туриб, ялт этиб Асилбекка каради.

– Жарликка дедингизми? – хавотирланиб суради у.
– Ростданми? Балки бориб қаармиз... Ўзингиз қараб
курмадингизми?

– Бэ... узинг айтдинг-ку... у ажина деб? Шу
вактгача ётармиди?!

– Қараб курайлик...

Дилшод косани қўйди-ю, чопди уша томонга. Унга
чулокланганча Асилбек ҳам эргашди. Аммо уша ер-
дан бирон нарса чиқипни а ишонмаётганди. Худди бир
кун аввал Холида қандай гойиб булган булса, бу сафар
ҳам шунақа булади, деб уйлаётганди. Бу табиий, у йук
нарса асли... Аммо узоқдан Дилшоднинг хавотирли
кичкириғи эшитилди.

– Ака, қаранг? Буни куринг! Астагфируллоҳ...

Дилшоднинг бақирганини эшитиб, у ҳам шо-
шиб қолди. Нима булиши мумкин, шунчалик одам-
ни куркитадиган, деб уйлади Асилбек ва чулокланана-
чулокланана ҳовлиқиб жарлик тепасига келди.

– Қаранг, ака. уни куринг! – кўзлари ола-кула
булиб деди Дилшод. – Бури-ку бу! Курлингизми нима
билан олишганингизни?! Худо асрабди ака, Худо де-
ган экансиз!

Жар тубида ёттан бўрининг лошини куриб Асил-
бек ҳам қотиб қолди. Йиртқич қалласи бир ёнга
кийшайган, тилини тишлаган кўзи қотиб ётарди. Шу
туришда у ичига латта тиқилган уйинчоққа ухшарди.

– Ҳеч нимага тушунмадим, – деди Асилбек этлари
жимирилашиб. – Ахир... ахир мен аёл билан олишдим-
ку! У мен билан жанжаллашди, шу баҳона юмдалай
кетди...

– Ҳаёлингизда булган бу. Аслида бури билан
олишгансиз. У эса аёлта ухшаб куринган. Ишкал

жой дедим-ку, бу ер..., – Асилбек индамай урнидан турди-ю, уй томон кета бошлади. Дилшод унга эргашди.

– Бир оғиз бейларынг шуни айтса, улиб колармиди?! – зардаси қайнаб деди Асилбек. – Жойнинг ишқали бор деса, бир бало булармиди?!

– Бой, шунинг учун ҳам бой-да! Одам ишлатолмасди, унда. Сиз пулни икки баравар талаб килардингиз. Ёки... бу ёкка оёқ босмасдингиз. Манов фалон пуллик стойматериаллари чириб, йук булиб кетарди. Бир қиши шу ерда қолсин, манов шлкоблоки кум-шағалга айланниб қолади, билдииз.

– Ҳа-а, булар мани шутга қамаб кетди. Иниси ўзганиям ёлғон, кочворди у... Помощна обкелармиш. Балони обкелади у. Шорасул-ку, ювош йигит экан. Ман уша акантни курсам, тириклай ердим.

– Энди нима қиласиз?

– Нима қиласардик... ишлаймизам, пулини ішилами зам. Шунча меҳнатим индамай кетовураманми? Иккисе қилиб оламан, пулшимни. У ақли булса, бизам «мужикмиз», калла ишлайди. Уйлагандаг бейинг, гавдаси каттанинг калтаси пуч булади, деб. Балонинг уқини ебди! – деди Асилбек жаҳли чиқиб.

Ховлига етиб келгач, Асилбек кароватта чиқиб ётди.

– «Моралний ушербиям» талаб қилиб оламан, ҳали қараб тур. Қамоқда ётиб, жа закунчи булиб кетган, бу акант ҳам, – алам билан деди Асилбек. – Ит қиласман, ҳали...

Асилбекнинг кўзлари олайди. мушти тугилди. «Фсьли айниса, буям куркинчли буб кетаркан», деб уйлади Дилшод. Кейин уйдаги бор маҳсулотларни

арчиб, тұғраб, қора қозонни қайнатиб қўйди. Асилбек шу аҳвол шлакоблок ташишга киришиб кетди. Роботта ўхшаб унинг қулигина ишларди, фактат. Миясида одамни қон қиласидиган фикрлар, бир-биридан мижғов хаёллар уйнаб ётарди. Холиданинг тунда келиши, боз устига ун йил олдинги жанжални кузғаши, зада қилворди уни. Муддаоси нима унинг? Қасд олишми? Хуп, учини олиб, йуқолсин-кетсин. Лекин у Асилбекни тинч қўймоқчи эмас. Яна... у аёл ниманидир билади. Узи кимлигини-чи? Қандай қилиб буёкқа келаётганини-чи?

Буларнинг ҳаммаси миясида булаётганмикан? Аёл эслади... Асилбек атрофга олазарак қаради. Ана шом тушиб қолибди. Уфқ қизариб, қуёш ботаяпти. Яна бошланадими, уша уйин?! Ёки... энди тинчиганмикин...

— Дилшод! — бақирди у ва ўзи қозон биқирлаб қайнаётган томонга утди.

— Уйингта тилпон қилиб қўйдингми? Бугун қоласан-а?

Дилшод овқатнинг тузини курастган экан, бошини кимирлатиб «ҳа» дегандай ишора қилди.

— Бугунам... келармикан? Нима дейсан? — кароват томонга утаётиб суради Асилбек.

— Билмадим, балки у улгандир... бури қиёфасига кириб.

Бунга ишониш қийин эди.

Асилбек сочиқни елкасига ташлади-да, чўмишани сой буйита кетди. Куп утмай Дилшод ҳам келиб қолди.

— Ҳаммаёғим тутун буп кетди. Уйдагиларга «сабзи туғрар» дегандим. Ана фаришталар омин, деди.

Шурвали палов булаяпти, – күлди Дилшод. Кейин «дол-вой» килиб уям чумилди.

Асилбек сочигини ёпиниб, мазза килиб чумилаётган Дилшодни томоша қилаёттанды. Кутылмаганда аёл кишининг маҳзун овози келди. Қандайdir мунгли, шигижоли куй. Асилбек сесканиб төғ томонга каради.

Уфқ бузариб, кулранг тусга кира бошлабди. Булут соя солган төглар, янада корайиб, маҳобатли тусга кирганди.

– Бупти Дилшод чик, кетамиз! – деди у жидлий гортиб. Аммо унга хеч нима айтмади. Бу ҳали бола-ку, бегубор. Шу боис унга төглар таҳдид қилмаса керак. У билан-чи, шу тошларам учакишади...

Биргалашиб дастурхон тузашди. Бу пайтда осмон кора пардасини ёйган, унда минглаб олтин чуглар нур сочиб ётарди. Бир чеккадан сузишиб Ой чикканди. Аммо Асилбек бу тундан күркарди, куркиб қолганли. Шу боис:

– Юзта-юзта қилмаймизми? – деди Дилшодга юзланиб. – Жуда урни келди-да! Эзилиб кетдим, билсанг?!

– Э, ака товба қилмадингизми? Узи бир улимдан колдингиз-ку! Жим утирсангизчи, энди!

Асилбек индамай, хұмрайғапча овқат ича бошлади.

– Энди, ё у ёглик, ё бу ёглик буламиз-да. Шуниям уйлашим керакми?! Хит буп кетдим-ку! Қамоқхонада бүнчалик кийналмаганман. Жаҳлингни чикарганнинг башарасига битта құясану, хумордан чикәсан. Ана сенга ҳаққарат. Бу ерда-чи? Кузбайлогичлик қилиш керак. «а гута, я тұта» килиб? Биласанми, шунақа уйин бор.

– Күнасиз-да, ака, энди. Пешонангизда бор экан. шу ёқларга келиш...

– Ҳа, пешонаниям Оролнинг тузидан ясашган шекилли-да! – Асилбек кулди.

– Ғалати ишлар буп кетди. Билсанг, кенойингга яхши кўриб уйланганман.

– Йуг-э! – унга қизиксениб қаради Дилшод.

– Ҳа-да, ука! Буз йигит булғанмиз. Ўзидан бир оғиз «мани яхши курсанми», деб сурамабман ҳам. Шунчалик узимга ишонганман. Яна де, урис қизларга уч булғанман. Қаймоқдай булади-да бу қурғурлар. Курсам, жим туротмасдим. Хотинни яхши курадим. етмаганига Наташа дегани буларди, шуникига бориб юрадим. Гижинглаган тоймиз уша пайт, болачакам бор демабман. Иккiovиниям хит қилиб юра-верибман. Охири анов урис, уйин курсатди, манга. Шуни деб, 10 йилга кесилиб кетдим. Атак. «дода фирмач» булғанмиз, бизам. Холида оқила аёл эди, унга ишонганман. Мени севмаслигини билмаганман. Бир ёқларда ётиб қолсам, аза тутарди. Ишда ушланиб қолсам, боласини кутариб кўчада нойлаб утиради. Ичиб «гиш» булиб келсамам, ечинтириб, ювинтириб, ётқизиб қуярди. Шунақа хотин эди. Севмаслигини кейин айтди. Уша... уладиган куни «бола сеники эмас!» деб кетди! Уч йиллик қасдини бир умрлик килиб олди. Қилған ишини кўр бунини.

– Сизам, хуп ишқалчи экансиз-да! Яхши курган хотинийиз булса, урисникига нега борасиз! Янаям сизларни суйиб кўймабти. Хотинлар ёмон қасоскор бўлади.

– Сал қаттан биласан-а. вей! Ўнласига уйланиб кўйгандай гапирасан!

– Буни билишчун уйланиш шартмас, – деди Дилшод бушаган косаларни йигаркан. – Ҳов, настга бир одам хусусий пансионат қурдирганди. Ичиға кирсангиз энди, когасиз. Узияч дам оларди, иккүнгө-үчтә жононни обчиқволиб. Шунинг хотини шунақаям уч олдики... Эрини пойлаб келиб, хогинлари билан тиірт масти еттанида, әшиктерни ташкаридан тамбалаб, бензин қуйиб ёқворди. Ҳаммаси ёнган. Аёлни мелиса ушилаб кетди, дейишли. Уша хотин охири жинни булиб қолди. Қамашмади. Жиннихонаға тикишди. Шунақа гаплар, ака... Курдийизми, буларни...

– Бупти, бупти, – насиҳатта ҳуши йүқлигини билдириб, зардали оханды дели Асилбек. – Гапингта шу с尔да нұқта қуй-да, ётайлик. Кеча биттә ухламағанман. Яраларим жазылаб оғриб чикқан.

Улар кароватта жой солиб ётишди. Асилбек яраларига «ох-ух» килиб, йод суртди. Яна анчагача гаплашиб, кулишиб ётишди. Охири Асилбек ухлаб қолди.

Кейин ярим тунда сөк говушларынан уйгошиб кетди. Бирор улар ётғал каровата чикиб түрс-түрс юргандай булди.

Асилбек сапчиб, урнидан туриб утирди.

– Ким у? – атрофга аланглади йигит.

– Ман, ман! – Дилшоднинг овози келди.

– Ташқарига чиқұвдим!

– Вой, пес-ей, «үхү-үхү» қилиб иуталсанг булмайдими? Чучитвординг...

Кейин Асилбек ҳарчанд уринмасин, ухлай олмади... Дилшод эса хуррак отиб пишиллаб ухлаб қолди. Асилбек уша ахвол ухломай қанча ётди, билмайди. Бир ухлаб кетади, бир уйгонади... Ҳаёли ҳам, туши ҳам анқаш-уйкаш... Бир Холида кузига куринса,

бир бурға ухшаб ириштайди. Унинг кекирдагидан гишламоқчи булади, у эса курашади:

— Қоч, йүқол! Қоч..., — дея бақиради. Охири унгидан бақираёттанини сезиб, кузлари чарактаб очи-либ кетди. Диілшодга хавотирли назар ташлади-ю, бир нохушликни сезиб юраги гапланди. Чунки пастдан тошларга тойинниб, биров келаёттанини күриб қолди.

— Үлсии-э! — секин пичирлаб гапирди аёл, жамодонини икки букилиб кутарганча, атрофга ҳуркиб бокди. Маъсумгина, маъюсгина Холида шу уй томонға қараб келаёттанди. Буни куриб Асилбек, кароватдан чаққонлик билан сакраб тушди-ю, уй орқасига угид яширинди. Нега бундай килганини узи ҳам билмасди. Ахир, ахир... ундан яшириниш бемаънилик-ку! «Ҳар қалай уйлаб олишга вақтим булади», деб уйлади у.

Аммо аёл атрофга олазарак қараб, биروفни излади. Кароватда ҳеч нимадан бехабар, тинчгина ухлаб ёттан Диілшодга зътибор ҳам қилмади. Ажабланарли томони, у уйга кириб жомадонини қуйиб чикди. Худди оддий аёллар каби. Кейин ҳеч адашмай у томонга кела бошлади. Асилбек ортига гисарилди. Уйни айланиб утиб, ичкаридаги хонага кирди. Қараса, узи ётадиган хонада, уртада Холиданинг жомадони турарди.

Асилбек оғир хурсинганча, бүм-бүш сим кароватга чукли. Бошини құллари билан چалғаллади. Бенажот-ликдан! Холида унинг изидан келиб, түгри у ўтирган хонага кирди.

— Вой, шу ерда экансиз-ку! — деди у кулиб. — Ҳар тутуул-эй, кетиб қолғанмисиз, деб күркүвдим!

Асилбек индамади, аксинча, унга синовчан тикилиб қаради. У гүё, кеча ҳеч нима бўлмагандай, бу ёққа биринчи марта келгаідай тутарди ўзини. «Ростданам

шундаими ё бу роль уйнаяптымикин?» деб ўйлади Асилбек ва буни текшириб курмокчи булди.

– Қачон келдинг? – пинақ бузмай суралы Асилбек хам.

– Ҳозиргина... – деди у ерга бокиб. Кейин норозиланиб эрига қаради.

– Нега бунча жаҳлдорсиз? Нима, келиб нотугри килибманми? – деди у.

Асилбек унга қастик тикилди.

– Сардорни кимга ишониб ташлаб келдинг? – У Холидани терговчидай суроқ қила бошлиди.

– Сардорни?! – қаловланиб қолди аёл. Кейин дарров узини унглаб олиб жавоб килди:

– Ойим олиб қолдилар.

– Бу ердалыгимни қаердан билдинг, Нурали айтдими?

Холида бу сафар уйлаб утирмади. дарров жавоб килди:

– Самад оғайнингиз... йулниям тушунтириб юборди.

– Самад? – ҳайрон булганини Асилбек яшириб утирмали. – Самад аллақачон кучиб кепан-ку, Америка! Яхши ҳаёт излаб кетган. Беш йил булди, ундан садо йўқ.

– Яна бошқа Самад оғайнингиз ҳам бор-ку! – деди Холида уялгандай.

– Синфдошингиз...

Асилбек ялт этиб унга қаради.

– Қайси Самадни айтаяпсан?

Холиданинг қошлари чимирилди.

– Қайси буларди, Очиловни-да! – деди тоқагесизланиб. – Сиздан кочаман деб йикилиб тушган-чи? Очилов Самад – ўшамиди?!

– Ҳаа, уми?! – деб юборди Асилбек ҳам. Кейин ҳайрон булиб Холидага қаради.

– Сен... сен уни қаердан танийсан?

– Танирдим, – деди Холида қувлик билан. – Түйдан кейин уйга келувди-ку, табриклагани!

– Табриклагани?! – Асилбек эслолмади. – Келгани миди?!

Түйдан кейин сафарга жунаб кетгани ёдига тушди. Синфдоши Самадни Холида умуман курмаган. Түйдан кейин табриклагани ҳам келмаган. Лекин унинг Очилов Самал деган синфдоши борлиги рост гап. Холида буларни қандай билаяпти, қаердан билаяпти, ҳайрон. Агар буларни билса, кечаги воқеани ҳам, бундан ун йил олдинги фожеаларни ҳам эслаши керак-ку, ахир. Демак, у узини билмаганликка солаяпти.

Унинг нияти... Асилбекни улдириш булса керак. Бу фикрдан йигитнинг аъзойи-бадани музлаб қолди. Ҳар сафар шунақа... Мулойимгина булиб келади-да, бир нимадан жанжал чиқариб, урушиб кетади. Кечагина бир улимдан қолмадими? Бунинг маъқулгина булиб утиришига ишониб булармиди?! Вишиллаб, кейин портлайдиган бомбага ўхшайди... Шунинг учун доим сергак туриш керак...

– Э, суриштирманг, – деди Холида қулиб. – Амаллаб топиб келдим-да, муҳими шу...

– Ундан кураси чой-пой ичайлик. Гаплашиб утирайлик бундок. Ахир сизни кўрганимга қа-а-а-а-анча булди?!

– Хуш, канча бўпти? – суради Асилбек совукқонлик билан.

Холида дилида санаган бўлди. Кейин:

– Би-и-и-ир ҳафта! – деди у жилтмайиб. – Уч кун йүк булсангиз чидолмайман! – лабларини буриб деди Холида. Буни куриб, Асилбекнинг юраги зирк эди. Шу туринда Холидасига ухшаб кетди у. Ундан хурсанд булса, доим лабини буриб, шундай эркаланарди, кузлари нозли бокарди. Асилбек, урнидан туриб, беихтиёр унга якинлашганини сезмай колди. Унинг кайнок нафасини якиндан туйди. Холиданинг белидан қучиб, узига тортиди. Факат... фақат пешонасидаги кон сизиб турган ярани курди-ю, уликни ушлагандай сесканиб, уни куйиб юборди. Холида индамади. Аммо нега бундай қылганини узича тушунди. Кули билан ярасини ушлаб қўйди-да:

– Яра бўлмай улсин! – деди у, эрим шундан ирганди деб ўйлаб. – Ҳар бало суртаман, кетмаяпти, бу улгур...

Асилбек индамади. Ғалати булиб жойига утирди. Куллари унинг илиқкина, таранг ташасини хис қили. Ҳулди тириқдай, у иссик эди. Томонидаги томирчалари уриб турарди. Бундан ичидан талотуплар бошлиши. Аммо... пешонасидаги тамгани куриб, бирор устидан музлай сув куйиб юборгандай булди. Ва ноилож жойига бориб утирди. Билдики... Холида ҳам аёллар каби бундан ранжиди. Ташида билдири маса-да, куюк киприклари кузларини яширди. Узини нокулай сезди... Шунгами:

– Овқат-повқат единғизми? Да стурхон ёзайми? – деди у орага тушган нокулай жимликни бузиб. Кейин Асилбекнинг кузларига қарашибга ботинолмай, уша ердаги қулбола стол устига сочиқ ёзиб, безата бошлиди. Орада:

— Кароватда бирор ётибди. Ёрдамчингизми? — деб суради у.

— Сен ҳамма нарсанни биласан-ку? Наҳотки, унинг кимлигити билмаган булсанг? — киноя аралаш гап килди Асилбек.

— Ҳа, биламан, — мақтандандай деди Холида. — Фақат сиз... «уни қаттан танийсан» деб мани сикасиз. Буни узимам билмайман. Балки... экстрасенсдирман-а! — елка қисиб қулди Холида. Шу чоккача қовоқ осиб утирган Асилбек ҳам буни эшишиб, «қиҳ-қиҳ»лаб қулди. Сал қолса, илгаригидай хотинининг бурнидан бир чимдиг күярди. Үзини тутди. Кейин «Экстрасенсмиш, — деб үйлади истеҳзо билан. — Қотасанми, галига. Үзининг қандай балолигини билса нима қиласкин?»

Асилбек Холидани кузатганча жим утиради. У эса халтасини очиб, пишлок, сувда қайнатилған картошка билан тухум, бир булак қовурилған товук гуштини дастурхон устига қўйди. Лоладек қизариб пишган, бўрсилдок нонларни ушатди. Термосдан чой ҳам дамлади, ҳатто!

Буни кўриб Асилбек ҳайратдан ёка ушлади. Ичида «Шу нарсалар ростакаммикан? Еса булармикан?» деб үйлади узича. Кечқурун шилдир-шурва ичгани учун буларнинг бари иштаҳасини очиб юборди. Урнидан турди-да, «Эҳ, нима булса булар» қабилида, иш тутди. Дастурхонга «асраб кўйганидан» келтириб қўйди.

Уни куриб Холида норозиланди.

— Ичманг, шу савилни! — жерккандаиди деди у. — Мааст бўлиб қоласиз. Кейин... ўтириш ҳам бурундан чиқади.

— Чиқмайди, — деди Асилбек ишонч билан. — Қани. ол ўзинг ҳам!

Аммо Холида дастурхон тенасида иштахасиз боладай утиради. У бир чимдим нөн тишиләб еди, Асилбекдан күркканидан килди бу ишни. Башқа пайт сочик учини кайириб, уйнаб утиради. Иигит бир-икки пиела ароқ күйиб ичди. Кейин, лабини чапиллатиб, гөнүк гүштини хумор билан җидлади. Ҳай-ҳайлаб еди. Холиданинг олдига ҳам суриб қўйди. Аммо аёл боягидай сузилиб утиради, хеч шима хотинмасди.

– Нима, сен овқат емайсанми? – сўради Асилбек, сочикни химариб утириган Холидага.

– Ейман, – деди у секин. – Корним тук эди. Шу сизга илиниб... бир дастурхонда утиргим келди. Соғиндим... – бошини эгган күйи деди у. Асилбек ушга ялт этиб қаради. Овқатдан қулинни тортди. Чинданам Холида бу сузни ғалаги айтди. «Соғиндим». Паст говушда оддий килиб, лекин... дардли қилиб гапирдики, Асилбек овқатдан тийилиб, оғир хурсинди.

– Мен-чи... Сени қанчалар соғинганимни биласанми? – деди у кузлари ёниб хетинига тикиларкан. Mast булгани учун упкаси тулиб гапирди, у. – Суяк-суягым гача эзилиб кеттанини биласанми узинг?! Мани... туришим одам, ичим адойи тамом булган! – бу сузлар ичидан алам билан отилиб чиқди.

– Дузаҳ а ташлаб кетдинг-ку, мени, шуни биласанми?

Холиданинг ҳамон уша утириши, сочик учини бураганча, уйчап. Башқа тарафдан, у маст булиб қолди, деб уйлаётганди. Чиңдан ҳам Асилбекнинг кайфи ошиб қолганди, аммо мияси равшан, нималар деб, нималар қилаёттанини билиб турарди. Фақат тили... кишандан озод булди, холос. У атайлабдан ичди. Нима булса-булар. деб ичди. Бир чеккаси манави, дилини

уртаб кетган хурлиқо қиесасида утирган мавҳумот билап беркинмачоқ үйнап жонига теккан эди. Түйди. ҳаммасидан! Бу ақволда яшаб ҳам булмайди. ишлаб ҳам. Айниңса, Асилбек «конкретний» йигит була туриб. хажи қиздай писиб юролмасди. Шу пайттacha ҳамма ишни пусткаласига ҳал қилиб келган бир чапани йигит эди. Янаям ёрилиб кетмали-я, буларнинг баридан. Чидади! Чидаб берди! Етар шунча чидагани! Шу боис қаршисидаги аёлга қаттиқ тикилганча:

– Сен Холида эмассан! – деди у шартта. – Билмасанг, билиб қуй! Холида эмассан, тушундингми?!

Холида индамади. Пиёла тутган куллари тиграб кетди. Кузлари жиққа ёшга тўлди.

– Бу нима деганингиз? – деди у секин. – Холида булмасам, кимман?

– Билмайман кимлигингни... Билмайман...

Орага оғир жимлик чукли.

– Мен маст ҳам эмасман, алжимаяпман ҳам, – жиддий гапирди Асилбек. – Сан тушунишга ҳаракат кил. Унга жуда ухшайсан. Лекин у эмассан. У бундан унйил бурун учинчи қаватдан гушиб кетган.

Аёл кўз ёшларини сидирди.

– Кейинчи? – синик товушда суради у.

– Кейин... у улган! – деди Асилбек кузлари ёшланниб. – Нега бундай булди, билмайман. Ҳалигача тушунолмайман. Уша куни... жанжаллашиб қолдик. Умримда биринчи марта унга кўл кутардим... У балконга қочиб чиқди. Етиб келолмадим, ман. Унинг даҳшатли қичқиригини эшийтдим. Ҳалигача уша қичқирик кулоғимни қоматта келтиради, билсанг. Манави еримни, – кўкрагини силтаб курсатди Асилбек, – тош-

дай босади. – у йүгон бармоқлари билан кузларини ишқалади.

– Қандай килиб гүшиб кетган, билмайман!?

– Уни деса, жинни булиб қолардим. Шурликкина, мендан қочиб юрарди. Чунки қўймасдим, уз ҳолига. Шунака ҳайвонфеъл одам булғанман. Унга яқин келган йигит борки, бурни қонарди. Мабодо, бошқага тегсанг, уни ҳам, сени ҳам сўйиб кетаман дердим. Беҳазил, важоҳатим шунака эди. У менга тегишга мажбур булған. Шунака гаплар, – чукур хўрсинди Асилбек кархисида бош эгиб утирган аёлга каттиқ тикиларкан.

Негадир энди ундан куркмаётганини хис киљди.

– Сан буларни қаёқдан ҳам билардинг? Шунинг учун ҳам Холида эмасссан-да!

Аёл бошини кутариб Асилбекка гик қаради ва:

– Биламан! – деди у мағрур. – Ҳаммасини биламан. Езда макғабда мени зурлаганингизни ҳам биламан. Сизни... ушанда ёмон куриб коланман.

Асилбек аёлга ҳайрат билан қаради.

– Гапираверайми? – истехзо аралаш деди Холида. – Мажбур эрга текканман, сизга. Лекин бир ёстикқа бош қуйгач, узгарганим рост. Ҳа, уз эрими севиб қолганман. Айниқса, Сардор туғилганида... йиглаганингиз, мени бошдан оёқ упиб ташлаганингиз ёдимда қолган. Мен... менинг айбим бор эди, айттолмасдим.

Асилбек сергак тортди.

– Тушунмадим, – аёлга ҳайрон булиб қаради у. – Айб?

Аёл айтсамми-айтмасамми, дегандай тайсалланди.

– Сиз буни билишингиз керакмасдир, балки...

Балки шунинг учун Холида узини балкондан отгандир...

— Нима? — Асилбек урнидан туриб кетди. — Демак, у балкондан тушиб кетмаган, шундайми? У... узини улдирганми?

Холида дабдурустдан жавоб қилмади. Бироз сукут саклаб, унга еб юборгудай қараб турган йигитта бир қараб қуиди.

— Ҳа, балкондан узини ташлаган. Мен буни биламан. Чунки уша куни у мудхиш сирни айтиб қуиган. Яъни болани?!

— Нима, болани?! Болага нима бупти? Энди сан хам уч ол, болани уртага қуйиб.

— У уч олмаган, у ростини айтган. Бола... сизники эмас!

— Ёлғон!!! — Асилбек урнидан туриб кетди ва бармоғини стулга нуқиб гапирди. — Атай жиғимга тегаяпсанми? Санам асли, қасос олгани келгансан-да, а?!

Холида индамади. «Ишонмасангиз гапирмай күя колай» дегандай елка кисиб, кетмоқчи булди.

Ғазабдан бугриқиб кетган Асилбек аёлнинг елкасидан тутиб, силтаб жойига утқазди.

— Раз бошладингми, энди ҳаммасини айтасан. Ҳеч нарсадан куркмайман. Улимдан ҳам. Бир файласуф айтган экан, «Улимдан куркмаган одамдан курк» деб. Шунака!!!

— Ишонмасангиз гапириб нима қилдим, — деди аёл пинак бузмай. — Холида бу сирни узи билан олиб кетган. Менам шундай қилсам керак.

— Ҳамма билганингни гапир! Гапир дедим!

— Сен... у эмассан, дедингиз. Лекин мен Холида эканимни биламан. Фақат сиз бунга ишонмаяпсиз.

Мен эса айнан шундан фойдаланаётгандирман. балки.

Сардор тугилиши арафасида ҳандай азоб чекканимни билмайсиз. Қаёқданам билардингиз. сиз үйда кам булардингиз. Туну кун ёлғиз колиб кетардим. Бева хотинлай ҳафталааб суппайиб угирадим. Бошида фарзанд ҳам булмади. Уч йил кутганмиз, эслаг. Уйга келмасдингиз. қаёклардадир ётиб югардингиз.

Билардим... менга хиёнат килишингизни. Мени телбаларча севишишингизни ҳам билардим. Аммо мен сизни бошқалар билан булишишни истамасдим. Сизни уйга боғлаб олишнинг битта йули бор эди, холос. Бола!!! Аммо бола булмаётганди. Духтирма-духтири санғиши, игна-уколлар, таҳлиллар бадга урганди. Сиз йулласиз, сафардасиз. Сизни текширишнинг сира иложи булмаётганди.

Ниҳоят, бир куни вакт ажратдингиз бунга. Духтирга бориша. Мактабдошимиз Назиранинг ганишига учрандик. Анализ жавобларини эшитиб кайфиятим гушиб кетди. Сиз: «Нимага кайфиятинг тушиб кетди? Анализимиз яхши чикди-ку?!» дединги, эсингиздами?! Уша ердаги қаҳвахоналардан бирита кириб овқатландик. Сиз «булгуси углшум учун», деб юз грамм отиб олдингиз. Мен эсам ушанда сизга билдиримай куз ёшларимни артиб олганман. Чунки сизнинг таҳлилларингиз ёмон чикканди. Шу гавдангизга таасуфки, пуштингиз куйиб кетган экан. Шу гапга сиз чидармидингиз? Айтинг, чидармидингиз...

Асиљек анграйиб қолди. Ҳамма ифлосликни кутганди, аммо бунака гапни эшитаман. деб уйламаганди.

– Нима?!

Асиљек бир ҳол-важоҳатда Холиданинг тепасига келиб серрайди.

– Уйлаб галираяпсанми? Бунака нарса билан хазиллашиб бўлмаслигини биласанми-ув, педараза! – тишларини ғижирлатиб деди у ва аёлнинг юзини бир кули билан чангллади.

– Тұхмат қилмасдан гапир... – вишиллаб деди у. – А то ғижимлаб таіпийман, эшитдингми? Ўғил маники!!! – кукрагига уриб деди у.

– У сизнинг ўғлиниңиз эмас! – Холида унга тик карағанча уз гапини маъқуллади.

– Қанжик, – Асилбек Холиданинг елкаларидан тутиб силкитди. Кейин ароқ шишасини олиб, деворга отди. Шиша қарс этиб синиб тушди.

– Иплослар! – деди у тиши орасидан. – Курсатиб құяман ҳали, ахмок қилишни...

– Сардор... мани болам! – энди узи ҳам ишонмай қўйган гапни таъкидлади у. Бир умиди шундан эди. Яна бола-чақа қиларман, шу билан юпанарман, деб уиласанди. Холидани, бу азобларни унтарман, дегаңди. Етмаганига, улғаннинг устига тепгандай бу гап чикиб турса-я.... Асиљек бошини чанталаган куйи жойига бориб утирди. Ичи бүм-бүш эди унинг.

– Дұхтир... буни айтсангиз, узини бир бало қилиб қуяди, деди. Эрингиз жуда қизиққон экан. Унга буни билдириманг, деди, – гапида давом этди Холида. – Қанчалар оғрикли булмасин, шу ҳақиқатни билишингиз керак, Сиз... хуш кайфиятда яна йулга кетдипгиз. Мен бир ботмон юк билан қолавердим. Яна уша дұхтирга бордим. Құркман!... Сизга хиёнат қилмаганман. Дұхтир сунъий уруглантириш йулини таклиф қилди. Олдимга бир даста эркақлар расмини ташллади.

– Танланг! – деди у. – Уларнинг уруғликлари биз-

да сакланади. Донорларнинг узига зйтиш шарт эмас. Эрингиз буни билмасин, деди.

– У кели анда эрингиздан суюнчи олинг, деди у.

Оилани, аллақачон дарз кептан оилани саклаб қолишнинг ягона йули шу эди. Имкон кадар суратлар орасидан сизга ўхшайдиганини танладим. Юрагим чүг булиб ёнди, билсангиз. Узимни худди сизга хиёнат қилаёттандай хис килдим. Врачлар тухум ҳужайрани шиша-найда уруғлангириб, менинг вужудимга жойладилар. Сиз эса яна йук эдингиз. Она булишимни ийллаб кутганимни биласиз. Лекин бундай килгандан кураси, ҳақиқатни айттаним яхши эди, деб уйладим. Узимга лаънаглар айғдим. Яна бола сғти ёт бегоналарга үхшаб қолишидан кўркардим. Бу жуда куркинчли эди. Уша бола туғилағдиган куни, жонимни ҳам күшиб тукканман. Уятдан, куркувдан... Туккан куним пойимни униблар йиглаганингизда ичимда ут ёнганини билмайсиз... Шунака... Сиз хеч нимани билмас эдингиз.

Икковлари тек қолишиди. Тонг бузариб келаёттанди. Асилбекнинг ҳаётидаги энг даҳшатли тонг. Яна... унинг тириклигини, ҳаёт давом этаёттанини билдириб, аллақаерда хуроз қичкирди. Тоғ гиёхлари исини келтирган шаббода, күшларни уйғотиб юборди, гүё. Бири олиб, бири қуйиб қүшлар сайрай бошлади. Асилбек аёлга қаради.

– Сан... кетишинг керакми? – юраги узилиб суради у.

Аёл индамади. Эшикка йуналди-да, деди:

– Мен доим сизни севганман. Факат хиёнатларнингиздан безиб, аламимни олиш учун сизни ҳозир ҳам, кейин ҳам севмайман, деяр эдим. Шундай десам, қийналишингизни билардим. Сизда бор юрак,

менда йуқмиди?! Мен ҳам ичимдан куярдим. Сизнинг тогдай қаддингизни, «мужик»лигинги зигиб қўйгим келарди. Чидолмасдим, хиенатларингизга. Сиз шаҳватингизни қондириш учун шундай қилгансиз. Бу – мен учун хурлик эди. Билмай эмас, билиб, атайлабдан узимни балкондан ташладим. Мен сизни шундай жазолаганман. Аслида-чи, мен узимни эмас, сиз мени ўллирдингиз?! Мен бу билан узимнинг ҳам, сизнинг ҳам хиёнатларингизга чек қўйдим! – аёл шундай деди-да хонадан чиқди... Асилбек уша утирганича қолди. Бир соатми, икки соатми, дастурхонга тикилиб утирди. Кун тиккага келиб, Дилшод чақирганидагина узига келди.

– Бек аков, уйготмабсиз ҳам-а? – юзларини сочиқ билан артаркан хонага хушчақчақ кириб келди Дилшод.

– Қотиб қолибман-э! – деди у. Кейин дастурхондаги ноз-неъматларни куриб, кузи уйнади.

– Ие, зиёфат зур-ку! – Асилбекка саволомуз қаради у. – Яшириб қўйганинг бормиди?!

Асилбек индамади. Тайсалланиб, худди узига узи гапиргандай деди:

– Биттаси ташлаб кетди!

– Уҳ!!! – Дилшод қулларини ишқаб товук гүштига ёпишди. – Чой қўйвордим, – деди у оғзини тулдириб гушт чайнаркан. -- Олинг қани! – деди у буларнинг ҳаммасини узи олиб келгандай. У бироз утиб чой дамлаб келди. Акасига чой куйиб узатди ҳам, Асилбекнинг туси узгармади. Шундагина Дилшод унга хавотирли назар ташлади:

– Тинчликми, ака? Кайфиятингиз расво? Нима булди? Туни минан бирор билан гаплашдингизми?

Нима бало, хафа қилиб кетдими?

— Ким?

— Ким буларди, ака? — қих-қихлаб күлди Дилшод. — Уша жонон-да!

— Э-э! — күл силтади Асилбек. — Күй шунақа гапларни! Умуман, — у шундай деди-ю. гашқарига чиқди. Уз-узидан, гүё нима қилиши билмагандай, беҳафсала шлакоблок таший бошлади. Кейин узига бу ишнинг, умуман ҳамма нарсанинг маъноси йўқдан булиб туюлди. Ҳовли уртасидаги шлакоблокни устига келиб ўтири. Оғир «уф» тортди.

Чойини ичиб булиб, Дилшод ҳам чиқиб келди.

— Мен энди борай, — деди у Асилбекка синовчан назар ташларкан. — Мазангиз яхшими, ака, галатисиз?

— Куёвур, — деди Асилбек қул силтаб. — Шунчаки «настрема» йук. А так, маза жойида! — бошбармогини кериб, ахволи зурлигини тасдиклади у. Кейин Дилшод билан шараклатиб қул ташлаб хайрлашди.

— Сизга абед обкеламан! — деб бакирди Дилшод наст томондан. — Мени кутинг ва мен қантарман! — деди у ҳазиллашиб.

* * *

Гуш пайти Дилшод овқат олиб келди.

— Бек ака, бек аков! — чакирди у оқ халтани кароват устига куйиб. — Э, йигиштиринг ишингизни, абед келди! — деди у шухчан.

Аммо ҳеч ким овоз бермади.

— Қаерга кетдийкин! — ҳайрон булди Дилшод. Кейин акам хурсанд булади, деган уйда дастурхон тузаб кўйди. Овқатни косаларга сузди, помидор-бодринг туграб, шакароб килди ҳамки, Асилбекдан дарак булмади.

Дилшод аввалига бироз кутди. кейин қорни очиб кеттани учун овқатини ичиб қоя қолди. Аммо акаси келмади. негадир.

«Бахтиер акадан норози буб ётганди. тилпон қылғани қишлоққа түшгандир-ов», деб үйлади у. Шу боис келса овқатланар деб, коса устига сочиқ ташлаб күйди. Кетди... Аммо Дилшод уйида ҳам хотиржам утиромади. Негадир акасининг ҳеч нима демай, гойиб бўлгани ғалати туюлаётганди. «Хабар олайчи. келиб қолгандир. Кол деса. қоловураман», деган уйда Дилшод йулга тушди.

Ховлига кириб келганида уфқ қизариб, қуёш бота бошлаганди. Шошганча, ховлидаги кароват ёнинг келди. Коса ўша-ӯша, усти ёниғлик турарди. Нон увоклари, қушлар чуқиган шекилли, тузиб ётарди.

– Ие, келмагти-ю! – буни куриб йигитнинг юраги шув этиб кетди. – Тошкентга кетганмикин? – Дилшод Асилбекнинг эрталаб хомуш, бир нұқтага қадалган куйи утирганини эслади. «Шу бейларам нокас узи, – үйлади Дилшод. – Одамни шунчалик бир сумга маҳтал қилиш шарт-ми?! Ишлатдингми, пулини берда! Яна бечора бир узи ишларди». Буям, энасини баҳона қилиб қочди-ворди. Қайдан қидирсинг энди?

Дилшод зир югуриб чор-атрофни айланиб келди. Сой буйини, куприкнинг нариги томонидаги дараҳзорни қаради. Кул буйигача бориб келди. Энг ёмони уфқ бузариб, қуёш ботди ҳам. Асилбек топилмади.

Охири акаси бури билан олишган жарлик тепасига келди. Пастда кизил майка кийган бирор ётарди. Утирибдими, ётибдими, дабдурустдан илғай олмади. Дилшод акасини таниб суюниб кетди.

– Э, ака, шу ерда экансиз-ку! – бақирди у пастдаги

одамга караб. Кидирмаган жойим қолмади-я! – узича упкаланган булди Дилшод. Лекин анави одамдан сас-садо чиқмади. Қимир этмай ётаверди. Буни күриб, бир нохушликни сезган йигиттинг «гуп» этиб иситмаси кутарылди.

– Ака!!! Сизга нима булди? – Дилшод ютоқиб на-фас олганча тик жарлықдан йикилгудай булиб, паstra тушди. Кузлари каттариб, ғужанак булиб ёттан одам-га яқынлашди... Бу чиндан ҳам акаси. Асилбек полвон эди. Боши тошга теккан, шекилти, пешонасидан си-зид окқан қон ерга синттан, ок майкасини қизил туста буяганди.

– Ака!!! – бакириб юборди у. – Мени кечириңг, ака!

Дилшод йиглаб юборди. Шу топда тепада қизил лозим-куйлакда бир аёл пайдо булганини у сезмади.

Аёлнинг кузлари голибона чакнади-ю:

– Барибир... аёл макрига учдинг-а! – деди пицир-лаб. – Тоглар аёлингнинг қасдини олди...



**БИЛУР БОГДАГИ
УЧРАШУВ**

Хорхе Луис Борхесга бағишилайман

Mен уни дам олиш уйида учраттандим. Күлида ҳамиша китоб, нигохлари маҳзун. Көп-кора кузлари оппок чехрасида икки томчи сиёҳдай ажралиб турар, унинг қандайдир бошқача одамлигини таъкидлаёттандай буларди. Унинг ҳеч ким ва ҳеч нима билан иши йук эди. Ҳамиша ошхонада курадим уни. У истар-истамай овкатини ер, купинча бемаъно нигохи тоғу тошга қадалганча қолар, кейин овқат ейишни ҳам унутиб, чиқиб кетарди. Ошхонага нима максадда келганини тушунмасдингиз. Ҳар сафар уни күрганимда танишиб олишни кунглимга тугар, аммо ҳеч фурсати келмасди шунинг. Дам олиш уйида у ҳам, мен ҳам ёлғиз эдик.

У менга кимпидир эслатарди. Ҳар курганда уни кимгадир ухшатардим. Ҳа, у худди китоб қаҳрамонларига ухшарди. Сипо ва куркам чехрасидан бирон кусур тополмасдингиз. Ҳатто ҳаракатларигача гартибли, чамаланган. Унині узгачалигини фақат менгина ҳис килардим. Аммо мен ҳам баъзи-баъзида уша кимсани унутиб қуяр, фақат ошхонада оппок чехрасини куриб ёдга олардим, уни.

Бир куни айвончага чиқиб хүш ҳавода дам олаёттандим, уни куриб қолдим. У билан шундокқина қүшни эканмиз. Бир хонали уйлар ёнма-ён қурилган бўлса керак-да! Ниҳоят, у билан танишиб ҳам олдик. Ҳақиқатан, ғалати одам эди у. Замонни ҳис килмасди. Унда вакт тушунчаси умуман улганди. Сиёсат эса... хозир президентимиз ким, деб сурасангиз билмасли-

ги аник! У китобларга шу қадар шунғигандики, булак тұқис олам йүқ зди унинг учун! Ким билади, балки рости билан шундайдир...

Китоб ҳастий эмас, ҳаёт китобий булиши керакдир?!

Унинг күzlари... чехрасидай гамгин, донишманднамо күzlарига тик қаролмасдингиз. Гүё бир қараңда у сиз ҳақингиздаги бор ҳақиқатни илғаб олаёттандай.

Чамамда у китоблар ҳақида гапирди, узок гапирди. Аммо мен ношуд ҳеч нимага түшүнмадим. Буни жуда истасам-да, бутун вужудим қулоққа айланиб, у айтәётгән ҳар сүзни ишлиб олсам-да, иборалар маъносини жамлолмасдим, фаромуш хаёлимдай сузлар мазмуни ҳам парчаланиб-парчаланиб кетарди. У тусатдан бир нима ёдига түшгандай сариқ жилдли китобга ишора килди:

— Жуда галати китоб экан, — деди у күzlари порлаб, — ҳар сафар үкіганимда воқеалар үзгараты. Китоб эса битта, саҳифалар уша-уша, аммо воқеалар үзгаратывади. Ҳар сафар аввалгисини топаман, деб кайта үкійман, аммо ҳеч тополмайман. Сузлар үзгармайды, воқеалар тизмаси уша-упа, аммо қаҳрамонлар роль алмашаверипади. Бир-иккита янги кимса пайдо булади-ю тамом... ҳаммаси яна бошқатдан бошланади. Шу китобни олтинчи марта үкіяпман. Лекин худди олтита асар үкігандайман, — деди у, — Сиз ҳам үқиб күринг-чи!

Китобни олдим. Хонадан кайфиятим пир булиб чиқди. Энди уни үкишга түгри келади. Ички бир нидо билан одамларни йиглатгундай ачинарли курсиндим. Китобга қараб қыйдим. “Биллур бөлдеги учрапшув” деб аталарди у. Очиги, китоб үкишни улгудек ёмон

кураман. Чумолидай ҳарфлардан юрагим сиқилади. Қоғоздаги ёзувдан кура тирик табиатта тикилган маъқул эмасми! Укий олсангиз табиатнинг узи ҳам китоб! Жилд-жилд китоб! Айникса, бир пиёла чойни эрмак қилиб, оромкурсига яслангандай тоғларни кузатиш, шом пайти зарҳал осмонни кузатиш қанчалар завқли, хузурбахш! Китоб эса...

Аммо барибир мен уни китобсиз тасаввур киғим келарди. Үнга ачинардим негадир. Назаримда у бу дунё неъмагларидан бебаҳра қолаёттандай, уйдай-уйдай китоблардаги бор муаммолар уни босиб ёттандай. Зотан, у ҳам мен туғримда худди шундай уйлашга ва менга ачинишга юз фоиз ҳақсли эди. Менинг узим каби девор орасида қолган мулоҳазаларим, унинг наздидаги очор, ута гарип туюлса эхтимол.

Бир куни кимтин анча хонамга кириб келди. Унинг кузлари порлар, кайфияти аъло эди. Уни шу ҳолатда куриб юрагим “шув” этиб кетди. “Ҳартигур, оддий одамга ухшайдиган жиҳатлари ҳам бор экан-ку!” – дедим үзимга-узим. Унинг қарашлари қандайдир сирли эди. Қандай изоҳлашга ҳам ҳайроиман буни. Нигоҳлари паришон булиб турарди-да, кузларида бирдан ут чақнарди. Аммо бу ҳолат бир онгина давом этар, чақнок кузлари бир зумда суниб қоларди. Уша гайритабиий нигоҳни факат хаёлан тиклай олардингиз, холос. Чунки бошқа тақрорланмасди у.

– Қалай уқияпсизми? – кулимсираб суради у. Унинг табассуми ҳам ғалати эди. Шу вактгача ҳеч кимда учратмаганман бунакасини. Уни юракин эзалиган. дардли табассум дея изоҳлаш мумкиндир балки. Аммо шунда ҳам юз фоиз ифодалолмаган буламан уша ҳолатни.

– Ҳа! – дедим мен.

– Қайси жойига келдингиз?

“Ёлғоннинг миси чиқди. Энди нима дейман?”

Шартга кузим тушган жойни айтиб юбордим.

– Ҳалиги... анави... Мұхаллад биілан Фұхайранинг биллур bogдаги учрашув жойини үқияпман.

– Ҳа, бир умрга ажралған учрашишади улар. Мұхаллад қызниң хоинларча отиб ташлашини билмасди. Қыз узини Офият Отинлар сирасига киригарди. Эътибор қылдингизми, улар бежиз биллур боғда учрашишмаган, Адіб шу үринде мусаффолик ва айни чөңда совуқ ва тафтсиз гүзәлликни тасвирламоқчи булған. Ҳақиқатан, китобнинг биринчи қисми, йүғ-э, курдингизми мен ҳам янглишпіман. Китобдан олған илк таассурогингиз шунака бұлади. Аммо уни иккінчи бор үқиганингизда маъно бутунлай узгариб кетади.

Сұхбатимиз узоққа чузилмади. Унинг хаёли паришон, худди бир жойга шошаёттандай бетоқат буларди. Китоб үкишга ошиқаёттгани аник. Аммо унинг купрек қолишини истардим. Чунки у мен учун деярлы узга олам вакиғи эди. Мен шу зақтгача билмаган ва ҳатто қизиқмаган узгача дүнё фуқароси эди у. Шу сабаб ҳам кейинги пайтда сұхбатимиз чузилиб кетар ва ҳар сағар қайсидир асосий гап айттылмай қолаёттандай туюларди. У кетди. У кестиши билан сарық жилдің китобни қулға олдим. Ҳамма китобга ухшаган китоб. Саҳифалари сарғиш, арzon қозға босилған. Аммо на босмахона ва на китоб чиқарған нашрист белгиси бор. Ҳатто чиқкан йили ҳам қайд этилмаган. Битта-яrimта хусусий босмахонада чоп этилған-ов. Ҳозир унақа босмахоналар сон-минг.

Аммо китобни укимадим. Чунки тушлик вақти булғанди. Авваллари түшден кейин чумилгани анхор буйига тушар. ёки күшни бинодаги йигитлар билан теннис үйнагашы чикардим. Бу сафар эса... хонамга шошилаёттандым. Негалигини түшүнмасдим. Худди бирор судрагандай ихтиёrsиз хонамга келиб қолдим. Күлим уз-узидан китоб томон чузилди. Аста биринчи варакни очдим ва... у ёги кетаверди. Сатрлар, сахифалар алмашаверди, алмашаверди. Мұхаллад, Мұхаллад. Оппоккина, күzlари кишиға мөхрли бокадиган, кизлардай юмшок күngил. У қизни инсофға чакирмокчи, булади, аммо... умуман олганда қизни инсофға чакириб булмасди энді. У эса шуни түшүнмайди. Мұхаллад була туриб түшүнмайди.

Күтилмаганда китоб укишга жуда қийнала бошладым. Негадир ҳарфлар куринмай колди. Сабабини билолмай ҳайронман денг. Шунда ҳам китобдан бош кутаргым келмасди. Ахийри күзим утмай мажбур булдим. Қарасам, атроф зими斯顿, юлдузлар чараклаб кетганди. Ҳуллас, кечки таомдан ҳам қурук қолған, вақт ҳам алламахал булғанди.

Тоғ ҳавоси эмасми. қорним чунонам наъра тортардик! Жавонни титкилаб қоттан нон билан, битта попук топдим. Нонни қарсиллатиб еб, устидан күлдиллатиб графиндаги сувни ичиб юбордим. Попукни шимгапча ухлаб қолибман. Ҳатто ечинмабман ҳам. “Лаънати, уша китобни иккинчи күлга олганим булсин!”

Эрталаб нонуштага шошилдим. “Яхшилаб тамадди қиласманда, күшни бинодаги йигитлар билан чумилгани борамаш, түшден кейин теннис!” – узимча режалаштиридим мен. Кетаётгіб кичик стол устида тур-

ган сарық жилди китобга бир қараб қуидим. “Икки дунёда ҳам қулга олмайман. Бугунок қайтариб бераман!”

Нонушта пайтида танишим менга қараб жилмай-иб қуиди. Мен ҳам им қоқиб саломлашгандай булдим. Аммо китоб ҳақида оғиз очолмадим.

Қизик, чүмилгани бормоқчи булган одам, айла-на-айланы қандоқ хонамга қайтиб келганимни билмайман. Истар-истамай китобга кул чуздим. Чунки билардим, агар уни қулга олсам, тамом, ундан узилолмайман! Икки дунёда ҳам! Қандайдир ички сезги билан ҳис қилаёттандым буни. Афсуски, мен ҳак эдим. Шу булди-ю, китобга муккамдан кетдим. Асар ичра япай бошладим, десам, туғрироқ булар. Эрта-ю кеч китоб укир, кучага эса мажбуран, ошхонага бориш учун чиқардим. Овқат еб гуриб ҳам хаёлим қаҳрамонларда буларди. Улар мени китоб ичра илхақ булиб кутаёттандай туюларди. Улар билан учрашишимни эслаб, юрагим ёқимли қалкиб қуярди. Одатимга кура бу сафар ҳам овқатни апил-тапил едим-у, ҳужрадай хонамга шошибидим. Келган жойимдан ютоқиб уқишига тушдим. Қизиги шундаки, асарнинг иккинчи қисмида тфу, уни иккинчи бор укиётгапимда, қаҳрамонлар урни алмашди. Мұхаллал билен Фұхайра умуман нотаниш кимса булиб чиқишиди. Фұхайра бу сафар оддий қиз сифатида иштирок этди. Унинг севгилиси эса Мұхаллад адам, қандайдир Сұхроб эди. Аммо асарнинг нихояланиши бир хил. Фұхайра ба-рибир Мұхалладни улдиради. Қизнинг нега шундай қилганига тушунолмай қолдим. Узини ҳимоя қилиш учунми ёки Сұхробни дор остидан саклаб қолганими?!

Тоғларга тикилганча узок уйга толдим. Назаримда умрим бекор утгандай, бекор угаётгандай ту юлди менга. Гүё шу вактгача арзимас гашвишларга уралашиб, ҳаётнинг асл мазмунини унутгандай эдим.

Зотан, уни ҳаммамиз унуттамиз. Мана Сухробни олайлик. Тухта-тухта-чи?! Ахир китобда янги қаҳрамон пайдо булди-ку! Сухроб аввалги асарда йук эди. Тфу! Яна асар дейман-а, асар эмас, оддинги воқеаларда Сухробнинг "с" ҳарфи ҳам йук эди. У қаёқдан пайдо бўлдийкин? Китобга тикилганча танг колдим. Уни шоша-пиша қайта вараклай кетдим. Бобларни каторма-қагор ҳижжалаб укиб чиқдим. Китобни ёпиб қайта очдим-да, яна укишга тушдим. Аммо биринчи воқеалар тизмасини умуман тополмадим. Бироқ учинчиси ҳам ҳали бошланмаганди. Иккинчи тизма тугамагунча, учинчиси бошланмаса керакда! Китобни қулга олиб, у ёқ-бу ёгини айлантириб курдим. Аммо... бу сузлар уйиними, техник аралашувми, барибир билолмадим. Ҳар қалай қандайдир суз уйини булиши керак. Муалиф шундай сузлар қуллаганки, ҳар сафар мазмунни узгартириш мумкин булган. Масалан, Сухроб, Робия, Борий, Рия, Риёзат. Иззат ва ҳоказо дегандай. Шаклдош сузлардан ҳам усталик билан фойдаланилган. Бир гапнинг узида икки-учта шаклдош суз катнашган. Аммо барибир бутун бошли китобнинг узгариши, қаҳрамонларнинг кушилиши ҳеч аклга сигмасди.

Негадир китоб эгаси билан гаплашгим келиб колди. Таассуротларим шу қадар бедарвоза эдики... Китобни деб уни ҳам унтиб юбордим-а?! Бутунлай. Ҳатто ошхонада ҳам уни қидирмасдим. Чунки тамадди қила туриб, уқиганларимнинг мағзини чақардим.

Бунга бўлак вақтим ҳам йўқ эди-да! Бир куни ундан хабар олгани отландим. Кунглим тула таассурот.

У ёнбошлаганча берилиб ниманидир укирди.

– Жуда галати китоб-ку! – дедим ҳайратимни яширолмай, – бу сафар Гулёр деган қаҳрамон пайдо булди.

– Гулёр билан Абдуллоҳми?

– Ҳа, – тасдиқладим унга савол назари билан тикиларканман, – қаёқдан билдингиз?

– Уқиганман-ку? Бунині устига воқеалар чувалашиб кетмасин, деб ёзиб боряпман. Атайлаб!

– Яна шу китобни ўқияпсизми? Сизда бу китобдан иккитами, дейман?

– Ҳа! Биттасини амаким берганлар. Китобга кизиқишимни билардилар-да! Күшнилардан олган эканлар. Күшнилари ёзувчими, мухбирми бўлган. Жуда галати одам эди у дейдилар. Эрта-ю кеч уйда биқиниб утирас, ҳеч кимга қушилмасди. Ҳудди гадойлардай жулдур кийимда юрарди доим. Қачон қарасангиз чироғи ёник бўларди.

– Улганми, ўша ёзувчи?

– Бедарак кеттанига анча булди. Қариндош-уруги йўқ эканми, нарсаларини одамлар ташиб кетишган. Амакимга шу китобдан теккан экан.

– Иккинчи китоб-чи?

– Иккинчисини шу ердан топдим. Ҳадеб бир хил китоб ўқийвераманми, бошқа китоб оламан, деган ниятда кутубхонага боргандим. Пештахталар орасидан чиқди. Солиширий деб олгандим, ҳалигача уқиб ётибман.

– Хўш, хўш?

– Аммо барибир биринчи ўқиган нарсамни тополмадим.

— Укиёттанингиз билан бир хил чиқдими, у ҳам?

— Афсуски, ҳа!

Уша куни құшним билан бирға овқатланғани бордик.

Битта асар укиёттән одамларни ҳеч кузаттамисиз?! Улар рухиятида қандайdir ухашашлик, ҳамоханглик булағы. Чунки китобдан олинган таассурот, ҳасллар бир-бирига яқин-да! Бизда әса бу нарса сезилмасди. На у ва на мен китоб ҳақида чүрк этиб оғиз очдик. У узича чуқур ҳаёлға толған. Мен узимча... Зотан, нега бирға овқатланаётганимиз тушунарсиз эди. Аммо бир нарсада ухаш томонимиз бор: ошхонада иккимизгина ҳаммадан ажралиб тұрадык, иккимизгина мавжуд ҳаётдан ажратып қолғандык.

Қайтдик. Қайтаётіб бир-биримизга хайр, дедік холос. Бошқа гап ғапирилмади. Чунки у ҳам, мен ҳам шошпаёттанғандык. Мақсадимиз бир эди – китоб укишни давом эттириш!

Энди уқишиңа мүккамдан кетдім. Худди очқаб ёттан юходай сатрларни ямламай юта бошладым. Ҳеч нимани әшитишни хоҳламасдым ва ҳатто түшликка чиқишиңа ҳам вақтимни кизғанардым. Мен емас, ичмас, ухламасдым. Күзларим қызарып кеттін, юзларимни чакир тикандай сокол қоплаган, ажин босған... Хуллас, ойнага қараб ақлдан озишдан чучирдім. Шу боис ҳам ойнага карамасдым. Энди мени китобнинг зәсі ҳам кизиқтирумай құйғанды. Айрим пайтлари силлам қуриб, бир зумгина тин олиш учун китобни ёпардым. Тоғларға караганча қолардым уша дам. Ҳақиқатан, мен узға олам кашф қылғандым. Бирок у чиндан-да билтур боғға ухшарди. Чиройли, аммо тафтсиз. Бу боғнинг инсонларга ҳеч қанака дахли йүқдай эди. “У

илохий китоб, илохий!” деб даҳшатта тушардим. У худди бомбадай қулга олишга куркар, бир зум китобга даҳшат ила тикилганча колардим. Шундагина: “Бошка уқимайман!” дея узимга суз берар, аммо ҳеч бунинг улдасидан чиқолмасдим. Барибир уни қайта очишга журъат этардим. Китоб эса ҳеч қачон тугамайдиганга. уни тамомлагани умрим етмайдиганга ухшарди.

Яна уни эсладим. Учраштанимизга уч-турт кун бўлиб қолғанди, унинг дам олиш муддати тугаётганди. “Китобни кайтариш керакдир!” – уйладим мен. Аммо ниятим бирон баҳона топиб китобни олиб қолиш эди.

У билан учрашдик. У қандайдир сархуш, хаёлчан утиради. Шу утириши кетар жафосидай туюлди менга. Уйга эмас, қаёққадир йукликка! Шунинг учун ҳам куз қарashi чучитди мени. Ҳиссиз, нигоҳлари суник: “Китобни уқиб тутатганмикин? Наҳот бунинг иложи бўлса?!?”

– Уқиб бўлдингизми? – ҳайратланиб сўрадим ундан.

– Тутатгандайман. Мен ҳаммасига тушундим.

– Нимага тушундингиз?

– Оддий китоб эмас у. Унда қандайдир биомайдон бор. Шуни ҳеч сездингизми? Шу китобни ўқидим-у, у ёғига яшашнинг маъноси йўқдай туюлиб колди. Чунки ҳаётимда нималар бўлишини олдиндан биладигандайман. Шу боис ҳам иккинчи қайта яшаётганга ухшайман.

– Охирги сафар ҳам Фухайра Мухалладни ўлдирдими?

– Ҳа!

– Нега?

– Ҳаёт шундай тузилган. Аслида, бундок чуқур

уylаб карасанғиз, ҳаммамиз бир-биримизга ажал келтирарканмиз. Бу дунё аввал бошдан емирилиш, чириш, ёниш асосига курилган-ку, ахир! Биз эса қандайдыр саробларга ишониб яшаймиз. Уларнинг сароблигини билгач эса ҳаёт тамом булади, биз учун.

Аммо ҳамма ҳам саробларнинг тагига етолмайди. Етганлар эса... ё уз жонига қасд қиласди, ё жинни булади, ёки мудхиш ёзувчига айланади.

Шу китобни уқиб галати туш курдим.

Оғайнилар билан дам олшани чикқанмишмиз. Шундай оғайнилардан биттаси бизни ажал киёфасида қувлай кетди. Биз ундан чучисак-да, ҳеч қочгани шошилмасмишмиз. Чунки “шундай булиши керак. шундай булиши керак!” деб уйлармишмиз! Тавба, жуда галати туш...

У чарчаб ҳолдан тойған кимсадай букчай-иб утирап, қаддини ростлагани мадори етмасди гүё. Кузлари хира тортган, уйқуси келаётгандай чузилиб гапиради. Ҳаётдан жуда зериккан, одамни чучитадиган даражада лоқайд булиб қолганди у. Назаримда унинг ичи бушаб, коғоздай, күшдай енгил бир нимага айланганди.

Кизиги, у ортик ҳеч нима демай, уша алфозда ухлаб колди. Эшигини аста ёпиб чиқиб кетдим. Китобни сураб колиш умуман ёдимдан кутарилибди.

Хонамга келиб ҳам анча пайттacha ухлолмай, уни уйлаб ётдим. Нимаси үзгариб колганини ҳеч билолмасдим.

Эртасига нонуштага кетаётиб, унинг эшигини тақиллатдим. Аммо ҳеч ким жавоб бермади. “Кетгандыким? – уйладим мен. – кетса китобини сураб чиқарди-ю...”

Нонуштадан қайтгач. яна унинг эшигини қоқдим. У йук эди. Ноилож хонамга кирдим. Аммо утиролмадим. Ҳужрадай хонамга сиғмай кетдим неғадир. Китобга қарагим ҳам келмасди. Үз-үзимга минг баҳона түқиб, кучага чиқдим. Асл ниятим уни излаш эди. Дам олиш уйига келган-кетғанларни қайд қылувчи ҳужжатхонага кирдим. Кетғанлар рүйхатидан унинг исм-шарифини изладим. Йук, у кетмаганди. Неғадир күнглим ёришиб кетди. “Бозорга чиқкандир?!” Үз-үзимни юпатдим мен.

Үндан күнглим хотиржам, хонамга қайтдим. Энди китоб үкисак ҳам бұлаверади. Аммо үкиган сайин қурқа бошладим. Ҳозир қандайдир даҳшатли воқеа юз берадигандай, этларим жунжикарди. Зотан, үкіёттән қаҳрамоним унинг үзгинаси эди! Юмшоқ күнгил, ғамгин чехрали. Ҳатто, ҳатто амакиси ҳам тасвирлаптанды. Уша ғалати ёзувчигача бор эди. китобда. Балки... балки воқеаларни шу китобдан үкиб олиб, гапиргандыр. Үқийвердим. Унинг дам олишга отланғанини үқияпман-у, юрагим така-пұка! Мен билан танишгани ҳам бордир... Даҳшат билан китобни ёпдим. “Үқимайман, үқимайман!”

Хонадан отилиб чиқдим. Асар шу қадар күркінчли эдикі... Унинг эшигини жон ҳолатда даранглатыб ура бошладим. Атрофға дарров одам ёғилди. Эшикни бузиб ичкари үтдик. У ерда ҳеч ким йук эди. Аммо унинг кийимлари йигилмаган, оппоқ охори кетмаган күйлаги шкафда осиғлик турарди. Үзи эса йук эди. Раҳбарият уни излашга киришди. Ҳамма ҳайрон, вахимада. Үзим бир алғозда хонамга қайтдим. Күзим китобга түшди-ю, даҳшатдан бақириб юбораёздым. Китоб қалинлашганди, тушуняпсизми, биринчи олга-

нимга нисбатан анча қалинлашганди. Демак, демак... Китоб тирик одамлардан иборат экан-да. руҳимизни сураб оларкан-да. у! Курқа-писа танамга кўз ташладим. Во, дариг! Мен... мен... қоғоздай юпқалашиб қолгандим. Наҳот, наҳот мен ҳам китобга айланиб кетсам. Наҳот одамлар учун ҳеч нима қилолмасам. Титроқ қулларим билан шимимдан гугурт олиб чақдим-у, китобга тутдим. Уша дамда унинг минглаб нусхада чоп этилганини билишни истамасдим. Ҳаёт-чи, ҳаёт! Ахир унга ут куя олмайман-ку! Китобни ҳаётийлиги учун ёкиш, фирғ бемаънилик эмасми?! Аммо кечиккандим.

Зум утмай лоп этиб кузларимдан олов чиқди. Узим ҳам китобга күшилиб ёна бошладим...

НИГИНА НИЁЗ

ХОТИНИМНИ МЕН

УЛДИРМАДИМ

«NOSHIRLIK YOG'DUSI»

ТОШКЕНТ – 2018

Нашриёт лицензияси АГ №122 12.11.2008 й.

Бадий мухаррир *Беҳзод Ҳаидаров*

Саҳифаловчи Илмира Адилова

Босишига руҳсат этилди 05.03.2018 й. Бичими 60x84

Times New Roman гарнитураси. Офсет когози.

Офсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоги 6,5.

Нашриёт-хисоб табоги 6.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 05/03

«RELIABLE PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш. Чорсу майдони, 3-А.

BB. 23VC

ISBN 978-943-5062-37-



A standard linear barcode representing the ISBN number 978-943-5062-37-1.

9789435062371